

**МИРМАХМУДОВ Э.Р.  
АБДУЛЛАЕВ Т.М.  
ФАЗИЛОВА Д.Ш.**

# **КОСМИК ГЕОДЕЗИЯ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛIGИ  
МИРЗО УЛУГБЕК ИОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Э.Р. Мирмахмудов, Т.М. Абдуллаев, Д.Ш. Фазилов**

# **КОСМИК ГЕОДЕЗИЯ**

**Ўқув кўлланма**

---

Тошкент  
«Университет»  
2016

Унбу кўлланмада космик геодезияда кўлланилаётган координаталар тизими, Ернинг сунъий йўлдошлари ва уларни кузатиш усуллари, геометрик ва геодинамик масалалари, датумлар, Ўзбекистонда сунъий йўлдошларни кузатиш натижалари асосида ечилаётган геодезия масалалари ёритилган.

Ўкув кўлланма олий таълим муассасаларининг 5A311502 — «Геодезия ва картография» таълим йўналиши магистрантларига мўлжалланган. Ўкув кўлланмадан геодезия, картография ва кадастр соҳасида фаолият олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчилар, ёш олимлар ва олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Олий таълим муассасаларининг 5A311502 — «Геодезия ва картография» мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрантлари учун**

*Масъул муҳаррир: проф. Сафаров Э.Ю.*

*Тақризчилар: Жўраев Д.О. - Тошкент архитектура ва курилиши институти доценти, т.ф.н.  
Мусаев И.М. - Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти, т.ф.н.*

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Услубий Кенгашининг 2016 йил 9 январдаги мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган (баённома №4)

ISBN- 978-9943-4585-4-3

## СЎЗ БОШИ

Космик геодезия деб геодезия фанининг Ернинг ва бошка планеталарнинг сунъий йўлдошларини кузатишдан илмий ва илмий-техник масалаларни ечишда фойдаланиш тадбирлари хакидаги бўлимига айтилади. Биринчи ва асосий масала Ер, Ой ва планеталарнинг шакли, катталиги ва суткалак айланишини характерловчи фундаментал ўзгармас катталикларини аниклаши ва у катталикларнинг вакт давомида ўзгаришини аниклашдан иборат. Иккинчи масала геодезик ва геоцентрик координаталар тизимини яратиш бўлиб, бу якка координаталар тизимида таяч нукталар тўрини куриш демакдир. Бу геофизика ва геодинамика масалаларини ечимида, табиий бойликлар ресурсларини аниклашида ва космик картографияда Ернинг космик тасвири натижаларининг координата - вакт bogланишидан фойдаланиш демакдир. Кузатилаётган сунъий йўлдош баландлиги ниҳоятда юкори бўлгани сабабли томонлари 1500-2000 км даражасида бўлган космик триангуляция тўрларини яратиш мумкин бўлди. Ернинг барча материк ва оролларини ягона геодезик тўр билан bogлаш ёки глобал геодезик тўр яратиш имкони юзага келди. Энг умумий космик геодезия усули динамик метод хисобланиб, у сунъий йўлдош орбиталари ривожини вакт оралигига ўрганишга асосланган.

Ушбу ўкув кўлланмада юкори аникликдаги сунъий йўлдошлар орқали геодезик тўр ҳосил килиш усул ва услублари хакида сўз боради. Кўлланмада сунъий йўлдош геодезиясининг куйидаги асосий вазифалари кўрилган: космик геодезияда кўлланиладиган координатлар тизими, сунъий йўлдошни кузатиш усувлари, сунъий йўлдошни кузатишлар бўйича ердаги координаталарни аниклашнинг геометрик ва динамик методлари, ҳамда замонавий йўлдош навигация тизимлари.

Кўлланма "Геодезия ва картография" йўналишида таълим олаётган магистранатларга мўлжалланган ва биринчи марта нашр этилмоқда. У Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геодезии, картографии и кадастр кафедрасида космик геодезия фанини ўқитиши жараёнида тўплланган тажрибаларга асосланган. Кўлланмани яратиша "Майданак" (Кашкадарё вилояти, Камаша тумани) обсерваторияси ва Китоб халкаро кенглик станция 1960-1995 йиллар мабойнида ўtkазилган космик геодезия ва геодинамик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилган.

Кўлланманинг биринчи бобида космик геодезиянинг асоси хисобланган ва курсни ўзлаштириш учун зарур бўлган координата тизимлари назарияси ҳакида сўз юритилади. Иккинчи бобда космик геодезия ва навигацияда фойдаланиладиган вакт саноқ тизими таърифланган. Учинчи боб сунъий йўлдошларни кузатиш усулларига, аникроги, оптик ва радиотехник усулларга багишиланган. Тўртинчи бобда геодезияда фойдаланиладиган геодезик йўлдошлар хусусиятлари батафсил баён қилинган.

Бешинчи, олтинчи ва еттинчи боблар сунъий йўлдош геодезик тўрларни куришда сунъий йўлдош харакати йўлидан фойдаланишга багишиланган. Саккизинчи бобда дастлабки геодезик саналар берилган. Тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи бобларда сунъий йўлдошларни кузатишдан олинган геодезак натижалар, Ўзбекистонда космик геодезия усулларининг кўлланилиши ҳамда космик геодезиянинг ривожланиши ва келажаги батафсил кўрсатилган.

Космик геодезия ўкув кўлланмаси ўзбек тилида биринчи марта тайёрланганилиги сабабли, унда айрим хато ва камчилликлар бўлиши мумкин. Муаллифлар мазкур кўлланма ҳакидаги барча фикр ва мулохазаларни куйидаги манзилда мамнуният билан кабул киладилар: Тошкент-100174, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети Бош ўкув биносининг “В” бўлими, геология ва география факультети, З-кават, Геодезия, картография ва кадастр кафедраси.


# I БОБ. КОСМИК ГЕОДЕЗИЯДА КООРДИНАТАЛАР ТИЗИМИ

## 1.1.Инерциал санок тизими

Космик объектларни ўрганиш белгиланган вактда, маълум координата тизимида осмон жисмларининг ҳолатини катъий аниклаш ва объектни кузатиш натижаларининг ҳисоб-китоби билан боғлик. Бундай масалани ечиш учун факат осмон жисмлари ҳаракатлари қонунларинигина эмас, балки кабул килинган координаталар тизимининг фазодаги йўналишининг ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш зарур. Координаталарниң ўзгаришларини ҳисобга олиб, объект ҳаракати формуласининг содда бўлган санок тизимини танлаш керак.


Астрометрия ёки позицион астрономиянинг асосий муаммоларидан бири - бу энг инерциал санок тизимини танлашдир. Бу масалани ҳал килиш учун астрономик каталоглар тузилади – битта мутлок тизимдаги астрономик объектларниң хусусий ҳаракати ва ягона аник ҳолати рўйхати. Астрономик координаталар тизимини кўрсатиб, маълум вакт давомида уни саклаб туради.

Сунъий йўлдош ҳаракатини тасвирлаш учун инерциал геоцентрик координаталар тизимидан фойдаланилади (1-расм). Бу тизимда координат боши О Ер массаси марказида жойлашган,  $Ox_0$  ўки эса экватор текислигига ётади ва у баҳорги тенг кунлик нуктаси ў (гамма) га томон йўналтирилган бўлади.  $Oz_0$  ўки Ернинг айланиш ўки билан мос тушиб, Ернинг шимолий кутбига томон йўналган,  $Oy_0$  ўки эса тизимни ўнг томонгача тўлдиради.



1-расм. Инерциал геоцентрик координата тизими

Фойдаланиладиган иккинчи координата тизими – бу түгри бурчаклы геоцентрик гринвич (айланувчи) тизимидир (2-расм). Координата боши О бунда хам Ер массаси марказыда жойлашган. Ох ўки Гринвич меридианининг экватор билан кесишган нүктасига йўналтирилган,  $Oz_0$  ўки - Ернинг айланиси ўки билан мос бўлиб, Ернинг шимолий кутбига томон йўналган. Оу<sub>0</sub> ўки тизимни ўнг томонгача тўлдиради. Ер айлангани туфайли, бу координата тизими хам айланади.  $Ox_0$  ва Ох оралигидаги бурчак S билан белгиланади ва гринвич юлдуз вақтига teng бўлади.



2-расм. Геоцентрик гринвич координата тизими

Инерциал геоцентрик координата тизими ва гринвич тизими сунъий йўлдош радионавигация тизимида қўлланилади. Инерциал ва гринвич координата тизимлари орасидаги боғликлик қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\vec{r} = \frac{1}{\psi} \vec{R}, \dot{\vec{r}} = \frac{1}{\psi} \dot{\vec{R}} + \omega \begin{bmatrix} Y \\ -X \\ 0 \end{bmatrix} \quad (1.1.1)$$

$$\vec{R} = \frac{1}{\psi} \vec{r}, \dot{\vec{R}} = \frac{1}{\psi} \dot{\vec{r}} + \omega \begin{bmatrix} Y \\ -X \\ 0 \end{bmatrix} \quad (1.1.2)$$

$$[\psi] = \begin{bmatrix} \cos(s) & -\sin(s) & 0 \\ \sin(s) & \cos(s) & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{bmatrix} \quad (1.1.3)$$

$$s = S_0 + \omega(T - t_\lambda) \quad (1.1.4)$$

$S_0$ -гринвич юлдуз вакти;  $\omega$ -Ернинг айланиси тезлиги;  $\vec{R}$ -инерциал тизимдаги вектор ҳолати;  $\vec{r}$ -гринвич тизимидағи вектор ҳолати;  $\vec{R}$ -

инерциал тизимдаги мос ўқлар бўйича тезлик вектори;  $\hat{r}$ -гринвич тизимидаги мос ўқлар бўйича тезлик вектори.


## 1.2. Геодезик координаталар тизими

$B, L, H$  геодезик координаталар тизими билан геодезик кенглик, узоклик ва баландлик тушунчалари боғланади. Эллипсоид юзасига тушган нормалнинг экватор текислиги билан туташшидан ҳосил бўлган бурчак  $B$  геодезик кенгликдир. Берилган нуктадан ўтган меридиан текислиги ва ноль меридиан текислиги оралиғидаги икки киррали бурчак  $L$ -узоклик бўлади. Геодезик кенглик ва узоклик мос келадиган астрономик координаталардан фарқ қиласди, чунки шовун чизиги элипсад нормали билан мос тушмайди.

Шовун чизигининг оғишини иккита текисликка проекциялаш мумкин: меридиан текислигига ва биринчи вертикал текислигига. Бундан кўриниб турибдики, бу икки ташкил этувчини астрономик ва геодезик координаталар фарқи билан аниқлаш мумкин. Чизикнинг оғиши ёйнинг бир неча секундга teng. Шуни таъкидлаш жоизки, геодезик и геоцентрик узокликлар бир-бирига мос тушади.

$$\begin{aligned}\xi &= \varphi - B \\ \eta &= (\lambda - L) \cos \varphi\end{aligned}\quad (1.2.1)$$

Ҳар иккаласи ҳам берилган нукта ва айланиш ўқини ўзида мужассам килган текислик ва ноль меридиан текислиги орасидаги икки киррали бурчакдир. Геоцентрик кенглик геодезик кенгликдан фарқ қиласди. Эллипсоид юзасига  $P$  нуктадан перпендикуляр туширамиз ва уни экватор текислиги билан кесишгунча давом этирамиз (3-расм). Эллипсоид юзасидаги  $P$  нукга проекциясини  $Q$  билан белгилаймиз. Унда  $PQ$  кесим  $P$  нукганинг геодезик баландлиги бўлади. Юкоридаги перпендикуляр экватор текислиги билан кесиншиш нуктасидаги бурчак  $B$  геодезик кенглик бўлади. У  $P$  ва  $Q$  нукталарига бирдек тегишлидир. Бу икки нуктанинг геоцентрик кенгликлари 3-расмдан кўриниб турибдики фарқ қиласди.  $Q$  нуктанинг геоцентрик кенглиги шу нуктанинг радиус вектори ва экватор текислиги орасидаги  $\Phi$  бурчакдир.



3 рasm. Геодезик координаты тизими

$Q$  нүкста координаталари ва  $\alpha$  -эллипс сиқиқлиги,  $B$  ва  $\Phi$  көнгілілар орасидаги бөлікликкін аниқтайды.  $Q$  эллипсоиддегі юзасыда ёттаңылығы туғайлы унинг түрі бурчаклы координаталари  $x_0, y_0, z_0$  эллипсоиддегі айланыши тәнгламасыгы бүйсунады:

$$\frac{x_0^2 + y_0^2}{a_0^2 + \frac{z_0^2}{b^2}} = 1.$$

$y=0$  қиркмани күриб чиқамиз. Үнда

$$\operatorname{tg} B = \frac{z_0}{x_0}$$

$\operatorname{tg} B$  ни аниқлаш учун  $Q$  нүктедеги нормалнинг бурчак коэффициентини аниқлаш керак. Нормалнинг  $F(x, z) = 0$  зәрі чизикка  $(x_0, y_0)$  нүктада тәнгламаси.

$$\begin{aligned} F_x(x_0, y_0)(z - z_0) &= F_z(x_0, y_0)(x - x_0) \\ z = z_0 + F_x(x_0, y_0) / F_z(x_0, y_0)(x - x_0) \\ F(x, z) = (x_0^2/a^2 + z^2/b^2 - 1). \end{aligned} \quad (1.2.2)$$

Шунинг учун

$$F_z(x_0, y_0) = 2z_0/b^2, \quad F_x(x_0, y_0) = 2x_0/a^2,$$

$$\operatorname{tg} B = \frac{a^2 z_0}{b^2 x_0}. \quad (1.2.3)$$

Натижада

$$\operatorname{tg} B = \frac{a^2}{b^2} \operatorname{tg} \Phi \quad (1.2.4)$$

Эллипсонинг иккінчи эксцентриситеті күйндагича аникланады:

$$e^2 = (a^2 - b^2)/b^2 \quad (1.2.5)$$

Ер учун иккинчи эксцентриситет жуда кичик, шунинг учун сикилишга ииебатан иккинчи даражали кичик қийматни хисобга олмай күйидаги ифодани оламиз:  $e^2=2\alpha^2$ .

Шуннингдек,

$$\operatorname{tg}(B-\Phi) \approx B-\Phi \quad (1.2.6)$$

Геодезик ва геоцентрик кенгликларнинг энг катта фарки  $45^\circ$  кенгликда кузатилиди ва у күйидагига тенг бўлади:  $B-\Phi=11.8'$ . Глобал декарт координаталар тизимининг геоцентрик тизим билан боғликлиги күйидаги формула билан аникланиди - 1.2.1. Эди декарт координаталар тизимини геодезик тизим билан боғланни формуулаларини аниклаймиз. Бу дегани  $P$  нукта координаталарини эллипсоид параметрлари, геодезик кенглик ва узунилк орқали аниклашимиз керак.  $\lambda=L$  бўлгани учун  $P$  нуктанинг  $x, y, z$ -координаталарини аниклаш учун бошида фактат  $x$  ва  $z$ -координаталарини аниклаши кифоя, яъни фактат  $y=0$  бўлган ҳолат учун.

Эллипсоид юзасидан Н баландликда жойлашган  $P$ -нуктанинг тўғри бурчакли координаталарини аниклаймиз. Эллипсоид юзасига проекцияланган ( $O$ )  $P$  нукта координаталарини аниклаймиз. Унинг Оху кесмадаги координаталари күйидагига тенг:

$$\begin{cases} x_0 = r_0 \cos \Phi_0 \\ y_0 = r_0 \sin \Phi_0 \end{cases} \quad (1.2.7)$$

“0” индекси билан биз координатани эллипс юзида ётган нуктага тегишли экваторлигини белгиладик. Бундан кўринадики:

$$\operatorname{tg}\Phi_0 = \frac{a^2}{b^2} \operatorname{tg}B, \quad (B=B_0)$$

Шунинг учун,

$$\begin{aligned} \cos\Phi_0 &= (1 + \operatorname{tg}^2\Phi_0)^{-1/2} = (1 + (b^2/a^2)\operatorname{tg}^2B)^{-1/2} = a^2 \cos B (a^2 \cos^2 B + b^2 \sin^2 B)^{-1/2} \\ \sin\Phi_0 &= \cos\Phi_0 \operatorname{tg}\Phi_0 = b^2 \sin B (a^2 \cos^2 B + b^2 \sin^2 B)^{-1/2} \end{aligned}$$

$Q$  нукта радиус векторини аниклаш қолди. Эллипс тенгламасидан фойдаланиб керакли ўзгаришни бажарамиз.

$$\begin{aligned} \frac{x_0^2}{a^2} + \frac{y_0^2}{b^2} &= 1, \quad \frac{r_0^2}{a^2} \cos^2\Phi_0 + \frac{r_0^2}{b^2} \sin^2\Phi_0 = 1 \\ r_0 &= ab(\cos^2\Phi_0 + b^2 \sin^2\Phi_0)^{-1/2} \end{aligned} \quad (1.2.8)$$

$\cos\phi_0$  ва  $\sin\phi_0$ ни  $\cos B$  ва  $\sin B$  оркали белгилаймиз, бунинг учун юқоридаги формулалардан фойдаланамиз.  $Q$  нукта радиус векторини аниклаймиз.

$$r_0 = (a^2 \cos^2 B + b^2 \sin^2 B)^{1/2} / (a^2 \cos^2 B + b^2 \sin^2 B)^{1/2}$$

Бундан:

$$\begin{aligned}x_0 &= a^2 \cos B / (a^2 \cos^2 B + b^2 \sin^2 B)^{1/2}, \\y_0 &= b^2 \sin B / (a^2 \cos^2 B + b^2 \sin^2 B)^{1/2}\end{aligned}\quad (1.2.9)$$

Белгилаймиз:

$$\rho = a / (1 - e^2 \sin^2 B) \quad (1.2.10)$$

Энди:

$$\begin{aligned}x_0 &= \rho \cos B \\z_0 &= \rho \left( \frac{b^2}{a^2} \right) \cos B\end{aligned}\quad (1.2.11)$$

Айланиш ўки оркали ўтадиган хоҳлаган кесим учун ( $y=0$ )

$$\begin{aligned}x_0 &= \rho \sin B \cos L \\y_0 &= \rho \sin B \sin L \\z_0 &= \rho \left( \frac{b^2}{a^2} \right) \cos B\end{aligned}\quad (1.2.12)$$

Энди  $Q$  нуктани  $H$  баландликка күтарамиз ва  $P$  нукта билан устма-уст жойлаштирамиз. Тўғри бурчакли координаталар куйидагича ўзгаради:

$$\begin{aligned}\Delta x &= H \cos B \cos L \\ \Delta y &= H \cos B \sin L \\ \Delta z &= H \sin B\end{aligned}\quad (1.2.13)$$

Энди геодезик координаталар  $B$ ,  $L$  ва  $H$ ни тўғри бурчаклига ўтказишда  $x, y, z$  куйидаги кўринишни олади:


$$\begin{aligned}x &= (\rho + H) \cos B \cos L \\y &= (\rho + H) \cos B \sin L \\z &= \left( \frac{b^2}{a^2} + H \right) \sin B\end{aligned}\quad (1.2.14)$$

(1.2.9) формула билан аниқланган  $\rho$  оддий геометрик мъйнога эга: у  $Q$  нуктадан ўтадиган нормал кесимига тенг, яъни шу нуктадан то эллипсоид айланиш ўки билан кесишиш нуктасигача.

### 1.3. Топоцентрик координаталар тизими

Топографик координатада боши Ернинг табиий юзаси нуктаси билан мос тушади, кўпинча бу сунъий йўлдошни кузатиш нуктаси бўлиб, ўклари берилган геоцентрик тизимдаги мос ўқларга параллелдир. Кузатув пунктлари ўлчов натижаларига кўра сунъий йўлдош топоцентрик координаталар қўйматларини олиши мумкин. Шундай килиб йўлдошнинг фотографик кузатишлар негативлари хисоб-китобидан топографик тик чиқиш  $\alpha$  ва огиш  $\delta$  аникланади. Лазер кузатувларидан эса топоцентрик масофа  $\rho$  аникланади.

Топоцентрик инерциал координата тизимининг  $ixuz$  координата боши  $i$  Ернинг табиий нуктасида бўлиб, ўклари инерциал геоцентрик координатада тизими ўкларига параллелдир.



4-расм. Топоцентрик координаталар тизими

Экватор текислигига параллел  $ixu$  текислик топоцентрик экватор дейилади. Топоцентрик тўғри чиқиш  $\alpha'$   $ix'$  ўкининг мусбат йўналишидан бошлаб, топоцентрик масофа  $\rho$  нинг топоцентрик экватори текислиги  $i\bar{j}$  проекциясигача олинади.  $'\delta'$  топоцентрик огиш топоцентрик масофа  $\rho$  билан унинг топоцентрик экватор текислиги  $i\bar{j}$  га проекцияси оралиғидаги бурчакдир. 1 нинг маълум бир пайт учун 4-расмда куйидагилар тасвирланган:

- $\vec{r}$ - ЕСЙ геоцентрик вектори
- $\vec{\rho}$ - ЕСЙ топоцентрик вектори
- $\vec{R}$ -кузатиш пунктининг вектори

$Oij$ - векторлар учбуручагидан оламиз:

$$\vec{R} = \vec{r} - \vec{\rho} \quad (1.3.1)$$


Бу муносабат космик геодезияннинг кўпгина масалаларини ечишда асосий хисобланади. Ундан кўриниб турибдики сунъий йўлдош кузатув пункти геоцентрик координаталарини аниқлашида шу пайт учун сунъий йўлдошнинг геоцентрик ва топоцентрик координаталари аниқланиши лозим. Бунда сунъий йўлдош геоцентрик координаталари Ер массасининг иисбий ҳаракати назарияси асосида олинса, топоцентрик координаталар тизими пунктларидаги кузатув натижасида олинади.

(1.3.1) тенглама координата кўринишида куйидагича бўлади:

$$\begin{aligned}x &= r \cos \alpha \cos \delta - p \cos \alpha \cos \delta \\y &= r \sin \alpha \cos \delta - p \sin \alpha \cos \delta \\z &= r \sin \delta - p \sin \delta\end{aligned}\quad (1.3.2)$$

(1.3.2) тенглама Гринвич координата тизими учун куйидагича бўлади:

$$\begin{aligned}X &= r \cos(\alpha - S) \cos \delta - p \cos(\alpha - S) \cos \delta \\Y &= r \sin(\alpha - S) \cos \delta - p \sin(\alpha - S) \cos \delta \\Z &= r \sin \delta - p \sin \delta\end{aligned}\quad (1.3.3)$$




5расм. Горизонт координата тизими

Кўпинча эллипсоид юзасига йўналган нормал  $N$  билан боғлиқ яна бир топоцентрик тизим–горизонт координата тизими ишлатилиади. Бу координата тизимининг боши  $i$  Ернинг табиий юзаси нуткасида бўлиб, и ўки геодезик координата меридианинга урунма бўйича шимолга йўналган, и ўки эса эллипсоид нормали бўйича йўналган, и ўки эса эса геодезик текисликда ётиб, иш боғламни ўнг томонгача тўлдиради. Координаталар  $x, y, z$ ,  $A_r$ -азимут билан ва  $A_z$ -зенит масофаси билан куйидагича боғланган

$$\begin{aligned} u &= p \sin z \cos A, \\ v &= p \sin z \sin A, \\ \omega &= p \cos z, \end{aligned} \quad (1.3.4)$$

#### 1.4. Орбитал координаталар тизими

Сунъий йўлдошни харакати кўрилганда факат эллиптик харакат билан чегараланади. Бунда сунъий йўлдош орбитаси бта параметр билан характерланади. Сунъий йўлдош орбитаси билан боғлик  $Oxyz$  координата тизимини аниклаймиз. Орбитанинг Ерга якин нуктаси *перигей*, Ердан эзок нуктаси *апогей* дейилади. Ох ўқини перигейга, Оз ни эса орбита текислигига перпендикуляр йўналтирамиз. Сунъий йўлдош орбитаси текислиги ва экваторнинг кесишичи чизиги орбита тугуллари дейилади, бунда чикиш тугуни деб сунъий йўлдошнинг манфий кенгликдан мусбат кенгликка ўтиш нуктасидаги тугунга айтилади. 6-расмда кеплер орбитасининг параметрлари ва графикили кўринини келтирилган.




6-расм. Эллиптик орбита параметрларини аниклаш

Орбитанинг фазодаги ориентирланганлиги ( $Oxyz$  координата тизимининг  $OXYZ$  геоцентрик координата тизимига нисбатан ҳолати) учта бурчак билан тасвиirlанади. Баҳорги тенг кунлик нуктаси йўналиши ва чикиш тугуни нуктаси орасидаги бурчак – чикиш тугинини узоклиги дейилади ва  $\Omega$  билан белгиланади. Орбита текислиги ва экватор оралигидаги икки киррали бурчак орбитанинг киялиги дейилади ва  $i$  билан белгиланади.

$\Omega$  билан белгиланган учинчи бурчак-*перигей аргументи* дейилади ва у чикиш тугуни йўналиши билан перигей орасидаги бурчакдир.  $\omega$  бурчак ўзгармас бўлгани учун ОХ ўки ҳолати орбита текислигига хам, фазода хам ўзгармас эканлигини кўрсатади. Кейинги

икки параметр - катта ярим ўқ ва с эксцентрикситет орбита катталикларини ва шаклини аниклади. Жисмнинг бошлангич моментидаги ҳолати  $T_0$  перигейдан ўтиш давр билан аникланади. Сунъий йўлдошнинг  $t$  пайтдаги ҳолати  $v$  бурчак билан аникланади ва у ҳақиқий аномалия дейилади.



7-расм. Кеплер орбитасининг аномалиясини аникланаш

Космик геодезияда ҳақиқий аномалиядан ташкари эксцентрик аномалия  $E$  ва ўртача аномалия  $M$  кўлланилади. Маркази эллипс маркази  $C$  билан мос тушадиган, эллипснинг катта ярим ўқига teng  $a$  радиусли айланча чизамиз.  $Ox$  ўқига  $PB$  перпендикуляр туширамиз, бунда унинг давоми айланани  $P$  нуқтада кесиб ўтади. Бурчак  $PCO = E$  эксцентрик аномалия дейилади. Ўртача аномалияга teng бурчак ўртача ҳаракат билан аникланади ва куйидагига teng бўлиб, ўртача узоқлик дейилади.

$$M=n(n-T_0) \quad (1.4.1)$$

Сунъий йўлдош ҳаракати кеплер ҳаракати текислиқда юз бергани учун сунъий йўлдош ҳолати  $r$  радиус вектор проекцияси билан аникланаб у,  $x$  уга teng,  $r$  нинг  $Oz$  ўқга проекцияси

$Oz$  нолга teng:  $r = (x, y, 0)$ .

$$\begin{aligned} x &= r \cos \vartheta \\ y &= r \sin \vartheta \end{aligned} \quad (1.4.2)$$

ЕСЙ инерциал геоцентрик координаталари формула куйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} x &= r(\cos u \cos \Omega - \sin u \sin \Omega \cos i \\ y &= r(\cos u \sin \Omega + \sin u \cos \Omega \cos i \\ z &= r \sin u \sin i \end{aligned} \quad (1.4.3)$$

## 1.5. WGS-84 координаталар тизими

GPS ва ГЛОНАСС да ҳар хил бир-бирига боғлик бўлмаган умумер геоцентрик координаталар тизимидан фойдаланади. GPS WGS-84 (World Geodetic System, 1984) координаталар тизимидаги фаолият олиб боради. ГЛОНАСС – эса ПЗ-90 (Параметры Земли - Ер ўлчамлари, 1990) координаталар тизимидан фойдаланади. Иккала тизимдаги координаталарнинг бир-биридан фарқи 5 дан то 15 м гача бўлади. Истъмолчиларга бериладиган йўлдош ҳаракати хакидаги навигацион маълумот геоцентрик координата тизимидаги шакилланади. Шу координата тизимидаги йўлдош приёмнигда истъмолчи координаталари ҳам аниқланади.

Бугунги кунда WGS-84 ва ПЗ-90 дан ташкири янада аникрок ITRF координата тизими мавжуд.



8-расм. Фазовий тўғри бурчакли координаталар

WGS-84 – бутун дунё геодезик тизими-бу 1984 йил координата тизими (WGS-84) – умум ер тизимини ифодалаб, у АҚШ ХДК (ВМС СИА) ТРАНЗИТ сунъий йўлдош радионавигация тизимининг дошлир ўлчовлари натижасининг дошлир таяич тизими NSWC 9Z-2 ни аниклаштириш орқали олингандир.

WGS-84 - координата боши ўклари қўйидагича аниқланади:

-координата боши – Ер маркази, Z ўки – Халқаро вакт кенгаши ВИИ карорига кўра Халқаро шартли координата боши СІО га йўналган;

- X ўки – бош меридиан WGS-84 текислиги ва экватор текислиги кесишиши нуктаси бўлиб, бош меридиан сифатида ВИИ аниқлаган нуль меридиан олинади.

У ўки-Ерга бөглөнгөн ва координаты боши Ер марказында бүлгөн ўнг томонли ортоогонал координаты тизимини түлдирди. У экватор текислигига Х ўқидан шаркка караб ( $90^{\circ}$ ) бурчак остида жойлашган.

WGS-84 Ерга бөглөнгөн глобал таянч тизимидан ташкил топган бўлиб, унга Ер модели ҳам киради ва асосий ҳамда ёрдамчи катталиклар билан аникланади (I-жадвал).

Асосий кўрсаткичлари – Ер эллипсоиди шаклини, унинг бурчак тезлигини ва Ернинг массасини аникланайди.

Ёрдамчи катталиклар даражага ва тартиби  $n = m = 180$  га тенг – Ернинг тортиш моделини (EGFM) синичиклаб аникланайди. Бу модель WGS-84 тизимидаги геоид юзасида баландликларни аниклаш, тортиш компоненталарининг бузилишини ва сферик мос функцияларга ёйиш йўли билан WGS-84 да ўртача  $1^{\circ} \times 1^{\circ}$  гравитацион аномалияларини аниклашда кўлланилади. Бу даражага ва тартибда ёйиш Ер юзаси ва унга яқин жойларда гравитация майдонини аниқ моделлаштириш учун зарур.

I-жадвал.


Параметрлари	Белглари	Натижалар
Катта ярим ўқ	$a$	6378137м
Кутбий сикиклик	$1/f$	1/298.257223563
Бурчак тезлиги	$\omega$	$7.292115 \times 10^{-5}$ рад/с <sup>-1</sup>
Нур тезлиги	$c$	299792458 м/с
Гравитацион доимийси (Ерни атмосферасини хисобга олингандага)	$GM (fM)$	3398600.5 км <sup>3</sup> /с <sup>-2</sup>
Нормаль потенциали	$U_0$	62636861.074 м <sup>2</sup> /с <sup>2</sup>
Иккинчи гармоник коэффициенти	$C_{20}$	- 484.16685 * 10 <sup>-6</sup>

WGS-84 тизими координаты боши ва ўқлари ориентацияси GPS нинг 5 та текширув станциялари координаталари оркали аникланади: Колорадо-Спрингс, Гавайи, Асансьон, Диего Гарсия ва Кваджалейн.

Геодезик кенглик  $\phi$ , узоклик  $\lambda$ , баландалик  $h$  оркали ифодалангандаги (WGS-84) координаталар аниклалигига I(σ) горизонтал текисликда куйидагига тенг:  $\sigma_\phi = \sigma_\lambda = \pm 1$  м, вертикаль текисликда эса  $\sigma_h = \pm 1.2$  м. WGS-84 тизими GPS нинг СИ ўлчови натижалари оркали 2 маротаба аниклаштирилди (1994 ва 1996 йилларда). WGS-84 нинг янги кўлланилиши WGS-84 (G730) ва WGS-84 (G873) кўринишини олади. Г-координаталар GPS усули билан олинганини кўрсатади. Гдан кейинги сон GPS ҳафталиги номери. СРНС GPS да WGS-84 нинг аниклаштирилган вариантлари 1994 йил 29 июндан ва 1997 йил 29 январдан кўлланилди.

## 1.6. ПЗ-90 координаты тизими

ПЗ-90 фундаментал астрономик ва геодезик ўйгармас кийматларни, ягона геоцентрик координаталар тизими (ЕСК), сферик функциялар оркали ёйилган геопотенциал ёйилма коэффициенти кўринишидаги Ер гравитация майдони модели ва нуктавий массалар тизими, умумер эллипсоиди устидаги квазигеоид баландлик каталоги, ЕСК алоқа параметрларини 1942 йилги миллый референц координата тизимини ўз ичига олади.



9-расм. Красовский эллипсоиди

ПЗ-90 тизими геодезик йўлдошларнинг (доплер, узок ўлчамли радиотехник ва лазер) кузатув натижаларидан, йўлдошларнинг дентиз сатхидан баландлигини ўлчашдан ва йўлдошларни юлдузли осмон каърида суратга олиш оркали вужудга келган. Шунингдек, ГЛОНАСС ва ЭТАЛОН йўлдош тизимларигача бўлган масофани лазер ва радиотехник ўлчаш натижаларидан, Дунё океани ва курукликтин гравиметрик маълумотларидан фойдаланилган.

ПЗ-90 тизимининг параметрлари 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Параметри	Белгиси	Киймати
Катта ярим ўқ	$a$	6378136 м
Шимолий боскич	$f$	1/298.257839303
Бурчак тезлиги	$w$	$7,292115 \cdot 10^{-3}$ рад/с <sup>2</sup>
Нур тезлиги	$c$	299792458 м/с
Гравитацион доимийси (Ернинг атмосфераси хисобга олинганда)	$GM (fM)$	$398600.44 \cdot 10^9 \text{ м}^3/\text{с}^2$
Нормаль потенциали	$U_0$	$62636861.074 \text{ м}^2/\text{с}^2$
Иккичи гармоник коэффициенти	$C_{20}$	$-484164.953 \cdot 10^{-9}$

ПЗ-90 маркази Ер массаси марказида бўлган тўғри бурчакли фазовий тизим бўлиб,  $Z$  ўки IERS тавсиясига кўра аникланган СЮ га йўналган,  $X$  ўки ВИИ белгилаган экватор тикислиги ва ноль меридиан кесишини нуктасиги йўналган, унинг ўки эса тизими ўнгтacha

түлдиради. ПЗ-90 тизими космик геодезия тўри (КГС) нинг 33 та пункти координаталари оркали Ер юзига маҳкамланган. ПЗ-90 ни Ер марказига силжиши ўрта квадрат хатолиги 1-2м. Пунктлар оралигининг 1.5-2 минг км. (нисбий ўлчаганда 7 чи белги бирлигидаги) ўртача масофасида уларнинг ўзаро ҳолати 0.3 м ҳисобланади.

### 1.7. Баъзи координата тизимлари орасидаги ўтиш параметрлари

Ракамли топографик картани тузиш мураккаб жараён бўлиб, у замонавий геоинформацион технология ва классик ўчковларни жалб килишини талаб этади. Шунинг учун замонавий ГИС ва қозозли карталар асосида карталарни яратиш учун уларни маълум координата тизимига боғлаш зарурати туғилади. Бу жараён мураккаб бўлмасада, у ҳисобга олиш зарур бўлган кутилмаган ҳолатларни пайдо киласди. Агар 1:1000000 ёки ундан майда масштабли карталардан фойдаланилса ёки битта координата тизими чегарасида ишланса, ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Лекин йирик масштабли карталарга ўтилганда, проекциялар алмаштирилганда, жойлардаги координатадан глобал координаталарга ўтилганда, бундай муаммолар билан ҳисоблашишга тўғри келади. Бу муаммоларни тушуниш учун координата тизимининг шакилланиши ва ўзгаришини кўриб чикиш керак.


Сунъий йўлдош учирилганча референц-эллипсоид параметрлари давлат ва регионал геодезик тўрлари маълумотларини ҳисоблаш натижасида аниқланади. Бууда тўрлар турли катталикларда, турли воситалар оркали ва ҳар хил аниқлик даражасида тузилгани учун ҳозирги пайтда жаҳонда 20дан ортик референц-эллипсоидлар мавжуд, уларнинг ҳар бири Ернинг маълум бир қисми учун тўғридир. МДХ худуди учун, шу қаторда Ўзбекистон учун ҳам, 1940 йилда ҳисобланган Красовский эллипсоиди ишлатилади. Референц-эллипсадлар параметрларини аниқлигини ошириш учун, йўлдош навигация тизимларидан фойдаланилади. Бу маълумотлар эллипс параметрларини аниқроқ ўлчашга имкон беради ва унинг марказини Ер маркази билан мослаштиришга, Ер юзасини аппроксимациялашга ёрдам беради. Натижада бутун Ер юзасини аппроксимация киладиган умумер эллипсоиди вужудга келади.

Карта тузиши масаласига келсак, турли усууларда олинган эллипсоидлар орасида деярли фарқ йўқ, ҳар қандай ҳолда ҳам у ёки бу референц юза текисликда акс эттирилади. Эллипсоидни ташлашда асосий фактор гравитация потенциалининг баландликка мослигидир. Ракамли карталарнинг эллипсоидал координаталаридан санок боши

эллипсоид марказида бўлган уч ўлчамли тўғри бурчакли координата тизимига осонганин ўтниш мумкин, унда бир эллипсоиддан иккичи эллипсоидга ўтиш шу иккى эллипсоид геоцентрик координаталари боғлиқлиги билан аникланади.

Умуман бундай боғлиқлик, еттига параметрли боғлиқлик билан кўрсатилиши мумкин: координата бошларининг ҳар бир ўқи бўйича силжиши (учта чизикли параметрлар), ҳар бир ўқ атрофида бурилиш (учбурчак параметрлари) ва битта масштаб коэффициенти билан. Бу боғлиқликни Гельмерт ва Молоденский формулалари билан осонгина амалга ошириши мумкин.

Масштаблаштириш ва бурилиш ҳар доим ҳам керак бўлмагани учун, баъзида оддийроқ уч параметр бўйича ўзгартиришдан фойдаланилади. Баъзи холларда эллипсоидни ўзгартиришда мураккаб бўлган кўп ўлчамли регрессия тенгламасидан фойдаланилади. Турли эллипсоидлардан фойдаланилганда шуни ҳисобга олиш керак-ки, ҳозирги вактда боғланишнинг аниқ параметрлари эллипсоиднинг ҳамма комбинациялари учун ҳам мавжуд эмас. Масалан, СК-42 ва ПЗ-90 боғлиқлик параметрлари маълум. Шу билан бир вактда ПЗ-90 ва WGS-84 нине боғлиқлик параметрларининг бир неча вариантлари ҳам маълум. Ҳар хил вариантлар кўлланилганда объектларнинг Ер юзасида силжиши 100м гача бўлиши мумкин, йирик масштаблар учун бу эса асло мумкин эмас. Боғлиқлик параметрларининг расмий эълон килинишигача, факат битта маълум вариантдан фойдаланиш билан бу масалани ҳал килиш мумкин. Турли манбалардан маълумотлар олингандан, бир тизимдан иккичи тизимга ўтадиган боғлиқлик параметрларини ҳам олиш керак.



10-расм. Бир тизимдан иккичи тизимга ўтишини ҳар бир ўқ ( $\omega_x, \omega_y, \omega_z$ ) атрофида айлантиришган ва масштабланган ( $dX, dY, dZ$ ) векторига сижиган координаталар бозилинг янгинидаси сифагиде тассавур этиш мумкин (расмда Z ўқи атрофидаги айланни кўрсатилган)

$\vec{r}_{\text{ek-42}} = (X, Y, Z)^T_{\text{WGS-84}}$  векторини СК-42 тизимдан WGS-84 тизимга ўзгартыриш учун уcta операцияни амалға ошириш керак: күчириш, буриш ва масштаблаштириш. СК-42 координата тизими бошини WGS-84 да.

$$\vec{r}_{\text{WGS-84}} = \vec{r}_{\text{ek-42}} + \vec{T} \quad (1.7.1)$$

Бунда  $\vec{T} = (T_x, T_y, T_z)^T$  - 3x3 күчиш матрикасы.


Бўрилиш вектори координаталарини ўзгартыриш у координата тизимларининг бошини бирлаштиргач амалға оширилади.

$$\vec{r}_{\text{WGS-84}} = \vec{r}_{\text{ek-42}} + \vec{R} \quad (1.7.2)$$

$\vec{R}$ -3x3 ўлчамли бурилиш матрикаси.


Кўпинча Эйлер (11-расм), ёки Кардано (12-расм), бурчакларини кўллаб бурилишлар учта айланишга бурилади. 11-расмда СК-42 ва WGS-84 нинг асосий текисликлари ОС чизиги бўйича кесишади. Координаталарининг ўзгаришида Эйлер бурчаги кўлланилганда куйидаги кўринишда бўлади:

$$\vec{r}_{\text{WGS-84}} = \vec{R}_3(\omega) \cdot \vec{R}_1(i) \cdot \vec{R}_3(\Omega) \cdot \vec{r}_{\text{ek42}} \quad (1.7.3)$$



11-расм. Эйлер бурчаклари

Кичик айланиш векторлари  $\vec{\omega} = (\omega_x, \omega_y, \omega_z)^T$  туфайли вужудга келган Кардано бурчаклари  $\omega_x, \omega_y, \omega_z$  билан координата тизимини ўзгартыриш учта кетма-кет айланиш орқали амалға оширилади.



12-расм. Кардано бурчаклари

Уччала айланиш ҳосила сифатида ёзилади:

$$\vec{r}_{\text{WGS-84}} = \vec{R}_2(\omega_x) \cdot \vec{R}_1(\omega_y) \cdot \vec{R}_3(\omega_z) \vec{r}_{\text{ck42}} \quad (1.7.4)$$

Кичик айланиш бурчакларыда  $\omega_x, \omega_y, \omega_z$  тригонометрик функцияларини биринчи тартибдаги аъзоларни билдиш ва матрицани кўпайтириш йўли билан Тейлор категорига ёйиб куйидагиларни оламиз

$$\vec{E} = \vec{R}_3(\omega_z) \cdot \vec{R}_2(\omega_y) \cdot \vec{R}_3(\omega_x) \vec{r}_{\text{ck42}} \quad (1.7.5)$$

Координаталар трансформациясида масштаблаштириш куйидагидан иборат:

$$\vec{r}_{\text{WGS-84}} = (1 + \mu) \vec{r}_{\text{ck42}} \quad (1.7.6)$$

Битта эллипснинг узунлигини турли тизимларда бирлик нисбатини характерловчи кичик скаляр катталик  $\mu$  ёрдамида узунликнинг ҳамма йўналишида бир хил ўзгаришидан иборат.

Одатда  $\mu \leq 10^{-6}$  бирлигига берилади.

Тўғри бурчакли координаталарнинг кўнириш ёрдамида ўзгартирилиши, Кардано бурчагига бурилиши ва масштаблаштириш куйидагича ёзилади:

$$\vec{r}_{\text{WGS-84}} = \vec{T} + (1 + \mu) \vec{E} \vec{r}_{\text{ck42}} \quad (1.7.7)$$

Бу ўзгариш Гельмерт ўзгариши ёки 7-параметрик ўзгариш ёки Евклид ўзгаришига ўхшаш ўзгариш дейилади, унга кирувчи трансформация параметрлари - вектор  $\vec{T}$  ва  $\vec{\omega}$  и скаляр  $\mu$  Гельмерт параметрлари дейилади.

З-жадвалда бир неча координата тизимлари орасидаги боғланишлар берилган бўлиб, улар турли муаллифлар томонидан ҳисобланган.

### З-жадвал.

	$\Delta X_{\text{м}}$	$\Delta Y_{\text{м}}$	$\Delta Z_{\text{м}}$	$m$	$\omega_1, 0,001^2$	$\omega_2, 0,001^2$	$\omega_3, 0,001^2$
CK-42-WGS-84	-22.730	123.884	+83.807	-4.24 $10^{-7}$	-0.108	-0.073	-0.019
ITRF90-WGS-84	0.060	0.517	-0.223	0.011	18.3	0.3	7.0
CK-42 - П3-90	+25.0	-141.0	+80.0	0	0	-350.0	-660.0
CK-42 - WGS-84	-22.56	125.03	+87.20	0	0	0	0
П3-90 - WGS-84	0	0	+1	0	0	0	-200.0
ITRF97 - ITRF93	0.006	-0.005	-0.015	0.0004	0.39	0.8	-0.96

Иккита катор микдорлар 1-2 синф астроном-геодезик пунктлари (АГС) тенгламасига, космик (КГС) ва допплер (ДГС) геодезик турлар ва 136 умумер координата тизимлари пунктлари тенгламасига


асосланғандыр. З жадвалда көлтирилгән ПЗ-90 ва WGS-84 орасидаги ўтиш параметрлари 1996 йил аникланған бўлиб, улар жаҳон бўйича тан олинган ёки ҳал килувчи ҳисобланмайди. Ҳозирги вактда уларни аниклаштириши ишлари олиб борилмокда (GPS ва ГЛОНАССлардан биргаликда фойдаланишини ўрганувчи IGEX лойиҳаси чегарасида). WGS-84 (G730) WGS-84 (G873) ни амалга ошириш ITRF билан амалга ошириши учун ҳеч қандай расмий ўзгариш параметрлари мавжуд эмес. ITRF координаталри WGS-84 да 10см аниклик даражасида ифодаланган, деб тахмин килиш мумкин.

### **1-боб бўйича назорат саволлари.**

1. Инерциал координата тизими нимани англатади?
2. Астрономик ва геодезик координаталар орасидаги фарж нималардан иборат?
3. Топоцентрик координата тизимининг маркази қаерда жойлашган?
4. Орбитал координата тизимининг маркази қаерда жойлашган?
5. Сунъий йўлдошларнинг орбитасида асосий элементлар нималардан иборат?
6. WGS-84 тизими қачон ишлаб чиқилган?
7. WGS-84 тизимининг параметрларини айтиб беринг.
8. ПЗ-90 тизими қачон ишлаб чиқилган?
9. ПЗ-90 тизимининг параметрларини айтиб беринг.
10. СК-42 тизими қачон ва ким томонидан ишлаб чиқилган?
11. Баъзи координата тизимлари орасидаги ўтиш параметрлари номларини айтиб беринг.
12. Эйлер бурчакларини чизиб кўрсатинг.
13. Кардано бурчакларини чизиб кўрсатинг.
14. Масштаб коэффициенти деб шимага айтилади?

## II БОБ. ВАҚТ САНОҚ ТИЗИМИ

Осмон сферасининг ёрдамчи нуктасига нисбатан Ернинг ўз ўки атрофида тўлиқ айланиб чикиш вакти оралиги асосий вакт ўлчови бирлиги килиб олинади. Ёрдамчи нукталар сифатида  $\gamma$ -баҳорги тенг кунлик, Күбшининг кўринма диски маркази-ҳақиқий Күёш ва ўртача экваториал Күёш нукталари олинади. Вакт интервали ўлчовининг бошланиши килиб ҳақиқий астрономик меридиандаги осмон сферасининг ёрдамчи нуктасининг кульминация моментиги олинади. Вакт интервали ўлчови – бу осмон сферасининг ёрдамчи нуктасини соат бурчаги  $t$  ни аниқлашдан иборат бўлиб, у ҳақиқий меридиан текислиги ва ёрдамчи нукта оғиш айланаси ўртасидаги икки киррали бурчакка тенг.



13-расм. Юлдуз вакти  $s$  ва  $t$  ёриттичининг орасидаги боғликлек

Юлдуз вакти тизимини яратишда осмон сферасининг ёрдамчи нуктаси сифатида баҳорги тенг кунлик нуктаси  $\gamma$  олинади. Ўлчов бирлиги сифатида юлдуз суткаси олинниб, у кузатув жойи меридиандаги у нуктасининг кетма-кет икки кульминацияси орасидаги вакт оралигидир. Юлдуз суткаси 24 юлдуз соатига тенг. Саноқ боши килиб у нуктасининг юкори кульминация моментиги олинади. Вакт интервали соат бурчаги  $\gamma$  билан ўлчанади.

$$s = t_{\gamma} \quad (2.1)$$

13-расмдан кўриниб турибди-ки, баҳорги тенг кунлик нуктасининг соат бурчаги куйидагига тенг:

$$t_{\gamma} = s = \alpha + l \quad (2.2)$$

**Ериттичининг юкори кульминация моменти  $t=0$ , бунда**

$$s = a \quad (2.3)$$

**Ериттичининг пастки кульминация моменти  $t=12$ , бунда**

$$s = a + 12^h \quad (2.4)$$

Вакт ўлчови Куёшга нисбатан олингандан, ёрдамчи нукта сифатида Куёш дискининг маркази, яъни ҳақиқий Куёш олиниб, унда шу нуктага нисбатан Ернинг ўз ўки атрофида айланишсаноги олинади. Кузатув жой меридианидаги ҳақиқий Куёш марказининг кетма-кет икки куйи кульминацияси орасидаги вакт оралиги олинади ва у Куёш суткаси дейилади. Ҳақиқий Куёш суткаси 24 ҳақиқий Куёш соатига тенг. Саноқ боши қилиб ҳақиқий ярим кечаси - Куёш диски марказининг куйи кульминация моменти олинади. Ҳақиқий Куёш вакти - Куёш марказининг соат бурчаги  $t_0$  плюс  $12^h$  билан ўлчанади. Ҳақиқий Куёш суткаси йил давомида Куёшнинг эклиптикада нотекис ҳаракати ва экваторга оғвалиги туфайли ўзгаради. Бундай нокулайликни йўқотиш учун ўртача Куёш тушунчаси киритилади, яъни экватор бўйлаб текис ҳаракат қилиувчи ва бир тропик йил давомида экваторни тўлиқ айланиб чиқувчи ҳаёлий нукта олинади.

Тропик йил - ҳақиқий күёшнинг баҳорги тенгкунлик нуктасидан икки марта кетма-кет ўтиш оралигидаги вактдир. Тропик йил 365.2422 ўртача күёш суткасига тенг. Ўртача күёш суткаси деб, берилган пункт меридианидан ўртача экваториал Куёшнинг икки марта кетма-кет куйи кульминацияси оралигига ўтган вактга айтилади. Ўртача күёш суткаси 24 ўргача күёш соатига тенг. Ўртача күёш суткаси бошланиши қилиб, ўртача ярим кечаси олинган, у ўртача күёшнинг кульминация ҳолатидар. Ўргача күёш суткаси бошидан хоҳлаган пайтгача ўтган ва ўртача күёш соатида берилган вакт соат, минут, секундларда берилса, ўртача күёш вакти дейилади ва  $t$  ҳарифи билан белгиланади. Ўртача күёш вакти шу берилган меридианда ўртача экваториал күёш соат бурчагига тенг бўлиб, у соатларда кўрсатилади ва  $12^h$  га оширилади.

$$m = t + 12^h \quad (2.5)$$

Юлдуз вакти  $s$ , ҳақиқий күёш вакти  $m_0$  ва ўртача күёш вакти  $m$  Ер юзининг ҳоҳлаган нуктасида мос равишда шу нуктанинг маҳаллий

юлдуз, маҳаллий ҳакикий күёш, маҳаллий ўртача күёш вакти дейилади.

Ерининг ҳар бир нукгасида ўзининг маҳаллий вакти бор. Битта географик меридианда жойлашган нукталарда бир хил физик пайтда аниқланган бир хил номли маҳаллий вакт бўлади. Турли географик меридианларда жойлашган бир хил физик моментларда аниқланган ер юзасидаги  $A$  ва  $B$  нукталардаги бир хил маҳаллий вакт фаркини бир хил физик моментда кузатилган соат бурчаги ва ер юзи пунктидаги узоқлик фарқи боғликлигини жорий қилювчи теоремадан фойдаланиб олиш мумкин:

$$t_A - t_B = \lambda_A - \lambda_B \quad (2.6)$$

Вактни ўлчашда ишлатиладиган нукталарнинг соат бурчаги (2.7) формуласини кўллаб ва 2.2, 2.5 ва 2.6 формулаларини ҳисобга олиб куйидаги формулани оламиз:

$$\left. \begin{array}{l} S_A - S_B = \lambda_A - \lambda_B \\ m_A - m_B = \lambda_A - \lambda_B \end{array} \right\} \quad (2.7)$$

Берилган меридиандаги маҳаллий юлдуз вакти ва маҳаллий ҳакикий күёш вактини шу меридиандаги астрономик кузатиш натижаларидан оламиз. Гринвич меридиани географик узоқликлар саноқ боши бўлиб алоҳида мавқиега эга. Гринвич меридианидаги вакт катта ҳарф билан бошланиди:  $S_0$ -гринвич юлдуз вакти,  $M$  –гринвич ҳакикий күёш вакти,  $m$ -гринвич ўрта күёш вакти. Гринвич ўрта күёш вакти – дунё вакти дейилади ва у UT билан белгиланиди.

Хоҳлаган бошка меридианда жойлашган пункт учун:

$$\left. \begin{array}{l} s - S = \pm \lambda \\ m - M = \pm \lambda \\ m_0 - M_0 = \pm \lambda \end{array} \right\} E_w \quad (2.8)$$

Ўзининг йиллик кўринма ҳаракати давомида Күёш осмон сферасининг суткалак айланишига карши юлдузларга нисбатан кучаяди. Юлдуз суткаси ўртача күёш суткасидан  $4^m$  та кисқарок. Йил давомида ўртача экваториал Күёшининг кечикишини 24 юлдуз соатга, яъни 1 юлдуз суткасига тенг бўлади.

365.2422 ўртача күёш суткаси = 366.2422 юлдуз суткасига

бундан: 1 ўртача күёш суткаси:  $365.2422 + 1 / 365.2422 =$  юлдуз суткасига ва 1 юлдуз суткаси  $366.2422 + 1 / 366.2422 =$  ўртача күёш суткасига тенг.

Куйидаги белгилашларни киргизамиз:

$$\frac{1}{365.2422} = \mu \text{ ва } \frac{1}{366.2422} = v \mu = 0.0027379093, v = 0.00273043$$

Бууда 1 ўртача күёш суткаси =  $(1+\mu)$  юлдуз суткасига 1 юлдуз суткаси =  $(1-v)$  ўртача күёш суткасига тенг.

Бундан күриниб турибди-ки, ўртача күёш суткаси юлдуз суткасидан тахминан 0.00274 юлдуз суткасига ёки  $3^{\text{m}}56^{\text{s}}.555$  узунрок. Ўртача вакт бирлигидан юлдуз бирлигига ўтиш куйидагича бўлади:

$$s = m(1 + \mu) = m + m\mu \quad (2.9)$$

Бу ерда  $m\mu$  – ўртача күёш вактидан юлдуз вактига ўтиш редукцияси.

Юлдуз суткаси ўртача күёш суткасидан тахминан 0.00273 ўрта күёш суткасига ёки  $3^{\text{m}}55^{\text{s}}.909$  га киска. Юлдуз бирлигини ўрта күёш бирлигига ўтказиши формуласи куйидагича бўлади:

$$s = s(1 - v) = s - sv \quad (2.10)$$

Бу ерда  $v$  – юлдуз бирлигидан ўрта күёш бирлигига ўтиш редукцияси.

Редукция  $m\mu$  ни хисоблашни енгиллаштириш учун «Астрономик йилнома»нинг (АЙ) Йа ва Ша жадвалларидан фойдаланилади. АЙ да Йа жадвали 0.01, Ша жадвали эса 0.001 аникликкача тузилиган.  $Sv$ -редукция эса АЙ нинг Йв, Шв, жадвалларидан 0.01 и 0.001–0.0001 аникликкача олинади.

Ўртача күёш суткасиинг бошлангич пайтида  $0^{\text{h}}$  ўртача күёш суткаси юлдуз вакти  $0^{\text{h}}$  га тенг бўлмагани учун ўртача күёш вактидан  $m$  дан юлдуз вакти  $s$  га ўтиш куйидаги формула билан ифодаланади

$$s = s_0 + m + m\mu \quad (2.11)$$

бу ерда  $s_0$  –  $0^{\text{h}}$ даги ўртача күёш вактидаги юлдуз вакти ёки маҳаллий ўртача ярим кечаси

$$s_0 = S_0 \pm \lambda\mu \quad (2.12)$$

$S_0$ - ўртача Гринвич ярим тунидаги юлдуз вакти, яъни дунё вактидаги Айда «юлдуз вакти» жадвалда ҳар куни учун берилади.

Гринвич меридиани учун ёзамиш:

$$S = S_0 + M + M\mu \} \quad (2.13)$$

$S-M$  моментта мос гринвич юлдуз вакти,

$S_0$ -ўрта гринвич ярим кечасидаги юлдуз вакти,

$M$ -дунё вакти,

$M\mu$ -дунё вактининг юлдуз вактига редукцияси.

Махаллий юлдуз вактини ўрта куёш вактига ўтказилиши қуйидаги формула билан амалга оширилади:

$$m = (s - s_0) - (s - s_0)v \quad (2.14)$$

( $s-s_0$ ) махаллий ярим тундан  $s$  берилган моментгача ўтган вакт оралиги бўлиб, у вактининг юлдуз бирлигига ифодаланган, ( $s-s_0$ ) $v$ - вактининг юлдуз бирлигидан ўртача бирлигига ўтиш редукцияси.  $s_0$ - 2.14 бўйича хисобланган махаллий ярим тундаги юлдуз вакти.

Гринвич меридиани учун ёзамиш:

$$m + (S - S_0) - (S - S_0)v \} \quad (2.15)$$

Махаллий куёш вактининг кўлланилиши ҳар бир  $\lambda$  узунликдаги меридиандада ўз вакти бўлишини таъминлади. Амалда кулай бўлиши учун Ер шари ҳар  $15^{\circ}$  да географик узоқлик бўйича 24 бўлакка бўлинади.  $n$  номерли (н 0-23 гача ўзгаради) ҳар бир бўлак(пояс) ичida соат бир хил пояс вактини- шу меридиан поясининг ўртасидан ўтувчи географик меридиан вактини кўрсатади.

Ғарбдан шаркка караб поясдан-поясга ўтганда чегарадан ўтиш билан вакт 1 соатга сакраб ўтади. Нуль пояс килиб Гринвич меридианидан узоқлик бўйича  $\pm 7,05$  бўлакда жойлашган пояс олинган. Бу пояснинг вакти-Гринвич ёки Дунё вакти дейилади. 2 пунктнинг пояс вактларининг фарки, уларнинг соат пояслари фаркига тенг бутун сон бўлади.

$$T_{n2}-T_{n1}=n_2-n_1 \quad (2.16)$$

Бунданг бирор шаркй узоқлик  $\lambda_E$  даги пунктнинг пояс вакти

$$\left. \begin{array}{l} T_n = M + n \\ T_n = m - \lambda + n \end{array} \right\} \quad (2.17)$$

1930 йил 16 июлда собиқ Иттифокда соат миллари пояс вактига нисбатан 1 соат олдинга сурилган. Бундай вакт декрет вакти деб олинган  $D_n$ .

$$D_n = T_n + I^h = M + (n+1) = m - \lambda + (n+1) \quad (2.18)$$

1981 йилдан ёзги вакт тушунчаси киритилди. Бунда март ойининг охирги якшанбасида соат миллари декрет вактига нисбатан 1 соат олдинга сурлади. Октябрь ойининг охирги якшанбасида эса яна 1 соат оркага кайтарилади. Буни ҳисобга олиб декрет вактини қуидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$D_n = T_n + k = M + (k+1) = m - \lambda_E + (n+k) \quad (2.19)$$

бу ерда  $k+1$ -агар киш вакти бўлса ва  $k+2$  – агар ёз вакти бўлса. 2011 йилдан ёзги вакт Россияда бекор килиниб, соат пояслари ўзгартирилди. Демак, бизнинг соатлар «ўртача күёш декрет вактини мос соат поясларида кўрсатади».

Ўзбекистон Республикаси худудида ягона вакт тизими-ўртacha күёш вакти кабул қилинган, у Москва вактидан 1 соат, Гринвич (GMT- Гринвич ўртача вакти) вактидан 5 соат олдинда юради.

Сунъий йўлдош ўлчовларида вакт саноқ бирлиги 2 гурухга бўлинади: астрономик ва ноастрономик. Ернинг ўз ўки атрофида тўлик айланиши вакт бирлиги суткаси 86400 сек, яни асосий астрономик вакт бирлигини беради. Ернинг айланиши бирор юлдуз ёки Күёш марказига нисбатан ҳисобланади. Ернинг бирор юлдузга нисбатан ўз ўки атрофида айланиб чикиши юлдуз суткаси дейилади. Ер айланишларини бош саноқ индекси килиб, юлдуз ўрнига баҳорги тенг кунлик нуктаси олинади. Саноқ нуктасидан ҳисобланган вакт юлдуз вакти дейилади. Аслида берилган меридиандаги ўлчангандаги шу меридианинг маҳаллий вакти дейилади.

Ернинг Күёш маркази йўналишига нисбатан ўз ўки атрофида тўлик айланиб чикиши ҳакикий Күёш суткаси дейилади. Унинг ҳисоб боши килиб ярим тун олинади. Ҳакикий Күёш вакт ўлчов бирлиги асосий талабларидан бирига жавоб бермайди. Йил давомида Ернинг Күёш атрофида нотекис айланиши ва орбитасининг осмон экваторига нисбатан оғмагалиги туфайли сутка турли узунликларда бўлади. Фарк

50 сек гача бориши мумкин, шунинг учун асосий вакт бирлиги килиб ўрта қүёш вакти олинади. У «Ўргача Қүёш» деб тасавур килинган-гипотетик нуктадан ҳисобланади ва орбитга бўйлаб текис ҳаракат килади, деб кабул килинади.«Ўргача Қүёш» экватор бўйлаб, ҳақиқий Қүёш эклиптика бўйлаб айланиш вақтнага тент вактда айланиб чикади ва баҳорги тенг кунлик нуктасидан ҳақиқий қүёш ўтган вактда ўтади. «Ўргача Қүёш»нинг жойдаги меридиандаги куйи кульминацияси оралиғидаги вакт шу жойнинг ўргача Қүёш вакти ёки ўргача вакт дейилади. 24 соат юлдуз вакти тахминан 23с 56мин 4.09сек ўргача вактга тенг. Гринвич меридианининг ўргача қүёш вакти Дунё вакти UT (Universal Time) дейилади. Бу вакт йил, ой, сана, соат, минут ва секунддан иборат.

Биринчи учта катталик умумий (Григорян) календари бўйича ҳисобланади, колганлари Гринвич меридианидаги маҳаллий ўргача вакт билан ўлчанади. Бу тизим 1928 йил Халкаро астрономик кенгашининг III Бош ассамблеяси томонидан киритилган. Дунё вакти «Ўргача Қүёш»нинг 12 соатта оширилган соат бурчаги билан ўлчанади.

Кутблар ҳаракати меридиан ҳолатларини ўзгартиргани туфайли галайтирувчи факторларининг даражасини ҳисобга олиб куйидаги дунё вакти тизимлари фарқланади:

UT0-кундалик астрономик ўлчовлар натижасида олинган ва Гринвич меридиани тузатмаси билан аниқлаштирилган дунё вакти.

UT1- кутблар ҳаракати ҳисобга олинган Гринвич меридиани дунё вакти. Бу вакт кундалик ҳаётда асосий вакт ўлчовидир.

UT2 - UT1 дан мавсумий тузатмалари билан фарқ қилади.

UT1R-UT2 дан сув кўтарилишлари тузатмаси билан фарқ қилади.

Ернинг иотекс суткалик ҳаракати туфайли юлдуз ва қўёш сунъалари озигина ўзгаради. Аниқ ҳисоб-китоб учун текис ўтувчи вакт-эфемерид ЕТ (ҳисоблаб чиқарилган) вакт киритилган, бунда вакт ўтчози бирлиги-эфемерид секунди – 1900 йилнинг 1 январь кунининг ўргача доимиyllигининг 1/86400 қисми олинган.

Эфемерид вакти тизими UT ой кузатувларидан ҳисобланган тузатмаларни киритиш йўли билан олинган. 1986 йилдан бошлаб кўпинча Астрономик йилномаларда аргумент сифатида ер динамик вакти ТДТ кўлланилади. ТДТ вакт тизими Қўёш, Ой ва планеталарнинг ҳаракати назариясига асосланган ТДТ йўлдошлилар эфемеридани аниқлашда қўлланилади.

Баркарор атом частота(вакт) эталонларининг яратилиши ноастрономик вакт ўлчаш усулига ўтиш ва Ернинг айланишига боғлик бўлмаган, эфемерида вактига яқин бўлган, сунъий вакт ўлчон бирлигини киритиш имконини берди. 1967 йилдан бошлаб ўлчов ва огирилик XIII Бош конференцияси томонидан вакт бирлиги ўлчови қилиб Атом секунди қабул килиди. Цезий-133 атомининг асосий ҳолатининг ўта нозик тузилмалари боскичлари орасидаги энергетик ўтишлар резонанс частотасига мос бўлган ва 9192631 770 содир бўлган тебранишлар вакт оралиги-Атом секунди дейилади.

Атом секунди атом вакти АТнинг асосий шкаласи бўлиб, хозирги СИ тизимида вакт бирлиги сифатида қабул қилинган (эфемерида секунди ўрнига). Турли атом вакти эталонларининг ўртача кўрсаткичлари Халқаро вакт бюросига ВИИ (Bureau International de l'Heure) халқаро атом вакти шкаласини (даражасини) TAI яратиш имконини берди.

АТ ва UTC лар тизимининг фарки катта бўлмаслиги учун, яъни 0.9 секунддан ошиб кетмаслиги учун АТ шкаласи даврий раввиизда тузатилади. Бундай тузатилган атом вакти тизими-дунё координировка қилинган вакт - UTC дейилади. UTC сигналлари радио хабарларида берилади. TAI ва UTC фарки 1 январь 1990 йилда  $+25$  с эди. UTC нинг афзалигига атом вактига хос бўлган шкаланинг юкори текислиги ва кўёш вактига хос бўлган табиий жараёнга (кун чиқиши ва ботиши) осон боғланишидир.

Пояс вакти ZT дунё вакти UTга мос равишда йип, ой ва саналарни ўз ичига олади. Соат, минут ва секундлар эса  $ZT=UTC+\Delta n$ , ( $\Delta n$ -соат пояси номери) формуласи орқали кўрилаётган соат пояси марказий географик меридианининг маҳаллий ўртача вакти каби хисобланади. Кўпгина мамлакатларда пояс вакти 1984 йилдан киритилган; Россияда-1919 йилдан. Бунда Ер шари 24 соат поясига бўлинган бўлиб, уларнинг марказий меридианлари узоклик бўйича  $15^\circ$ (1соат) га фарқилади. Пояс вактининг афзалиги шундаки, кундалик ҳаётда фойдаланишга қулай бўлиб, параллел бўйича ҳаракатланганда вактни қайта-қайта аниқлашнинг ҳожати бўлмайди.

Кўриб чиқилган тизимларда вактнинг берилган пайтларини тўлиқ белгилаш ҳар доим ҳам қулай эмас, чунки бунда камида тўртта сондан-йил, ой, сана ва соатлардан фойдаланилади ва улар ўн бутун аниқликкача кўрсатилади. Шунинг учун амалда юлиян даври деб атaluвчи саноқ тизимидан фойдаланилади. Унинг қулиялиги шундаки, ўтаётган вакт кунларда ҳисобланади (ўртача кўёш суткаси; 0.1

аниклиkkача). Бу даврда барча кунлар кабул килинган календардан, йилдан ва ойдан катъий назар тартиб бўйича белгиланган.

Юлиан кунлари деб аталган JD (Julian Date) – кунлар ҳисоби, эрамиздан аввалги 4713 йил 1 январь кун ярмидан (юлиан даврининг боши) то берилган моментгача олинади. Юлиан даврининг умумий узунлиги 7980 йилдир. Юлиан юз йиллиги 36 525 ўртacha күёш суткасидан иборат. Бу саноқ тизимидағи вактининг хоҳлаган моменти шундай сон билан ифодаланадики, бунда бутун кисм-охирги ўрта гринвич пешини (ярим кун) гача ўтган юлиан кунлари; каср кисми эса шу пешиндан кўрилаётган моментгача ўтган ўртacha күёш суткасини билдиради. Масалан, юлиан даврида 9° 48' 1 январь 1985 йил Москва вақти 2446066.783 333 JD сони билан ифодаланади.

Янгиланган юлиан санаси MJD (Modified Julian Date) JD дан 2 400 000.5 суткани айриш билан олинган. Бунинг натижасида MJD да сонлар камроқ ва саноқ ярим тундан бошланади.

Қабул килинган календарнинг юлиан санасига ўтказилиши ҳисоблаш формулалари ёки справочник ва жадваллар оркали амалга оширилади.

GPS ва ГЛОНАСС ўзининг хусусий атом вактига асосланган вакт тизимида иш олиб боради. Вакт шкаласининг саноқ боши тизимнинг инициализация найтига боғланади. Масалан, GPS (вакт GPS-GPST) вакт тизими саноги 0° 6 январь 1980 дан бошланади ва ТАІ вактидан 19° га кам, GPS учун куйидаги бирликлар мавжуд:

GPS-ҳафта-тизимнинг инициализация моментидан ўтган ҳафталар сони. GPS-ҳафталар саноги шанба ярим кечасидан якшанбага ўтиш вактидан бошланади. GPS-кун – GPS-ҳафта чегарасидаги кун номери (0 дан 6 гача). GPS-секунд – GPS-ҳафта чегарасидаги секундлар сони.

## 2-боб бўйича назорат саволлари.

1. Юлдуз вакти нима? Таърифини келтиринг.
2. Ўртacha күёш вакти деб нимани тушунамиз?
3. Вакт бурчаги деб нимага айтилади, таърифини келтиринг.
4. Баланд ва паст кульминация- булар нима?
5. Ўрта гринвич ярим кечасидаги юлдуз вакти нимага тенг?
6. Махаллий ҳакикий күёш вакти нечага тенг?
8. Пояс вактини кандай тушунасиз.
9. Дунё вактлари UT, UTO, UT1, UT2, UTC нима?
10. Атом вактини (AT) изохлаб беринг.

### III БОБ. СҮНЬЙИЙ ЙҮЛДОШНИ КУЗАТИШ УСУЛЛАРИ

Бүндан 50 жыл аввал биринчи сунний йүлдош Ер орбитасига чиқарылди, ҳозир уларнинг сони бир неча мингдан ошиб кетди, яна бир неча мингти бу вақтга келиб йўқ бўлиб кетди. Кўпчиллик космик аппаратлар Куёш тизимини кесиб ўтувчи кометалар орбитасига ўхшаш орбиталарга чиқарилиган.

Геодезия ҳам илмий фан сифатида ўзининг илмий ва амалий масалаларини ечишда космик обьектлардан фойдаланади, чунки геодезия геоцентризм давридаёт Ерга Куёш тизимининг планетаси сифатида караган. Ерни глобал ўрганиш гояси Коперник таълимотидан аввалроқ бошланган эди. Шунинг учун Ер ҳакидағи фан энг қадимги фан бўлган геодезия, инсонни космосга чиқишидан аввал етилган фикр ва усулярини амалга оширишда бу билан катта имкониятларга эга бўлди.

1768 йилда буюк математик Л.Эйлернинг ўғли И.Эйлер бир меридианда жойлашган, маълум астрономик координаталарга эга пунктларда Ойнинг зенит масофасини бир вақтда ўлчаш оркали Ер эллипсоидининг параметрларини аниқлаш назариясини ишлаб чиқган эди. У бу назариянинг устулиги ва камчилигини ҳам кўрсатди, натижада Ердан Ойнинг узоқлиги туфайли олинган хulosалар уччалик ишонарли эмаслигини таъкидлади. Шу билан бирга у агар Ой Ерга якинроқ бўлганда, ёки Ерга якинроқ башка обьект бўлганда унинг Ер шаклини аниқлаш методи триангуляция методига нисбатан аниқроқ ва қулайроқ бўлишини айтиб ўтди.

И.Эйлернинг бу иши йўлдош геодезиясининг геометрик методларини мужассам этиб, геодезия масалаларида Ер атрофилаги осмон жисмларини кузатиш усули устулигини кўрсатади. Г.Ланчаш йўлдош геодезиясининг асосий гоясини жуда яхши тушуниб, уни аник ифодалагани ҳакида юқорида гапириб ўтилди.

Қандай килиб бу гояларнинг космик геодезия методларига айланганини кўришдан аввал, маълумот олиш учун кузатиладиган обьектлар билан, шунингдек, табиий васунъий обьектларни кузатиш методлари билан танишиб чиқишимиз керак. Бунда дастлаб ЕСЙлари орбиталари параметрлари ва йўлдошлар хусусиятлари диапазони жуда кагта эътиборга эга. Ер сунъий йўлдошлари  $0^{\circ}$  (экватор)дан  $90^{\circ}$ гача ва ундан кўпроқ (кутб олди) оғинили орбиталарда харакатланадилар. Йўлдош орбиталари эксцентриситети О дан (айланга орбитада) 0,975 гача ўзгаради. ЕСЙ Ер атрофини 80 минутдан

24 соаттагача айланиб чыкади, демек уларнинг орбитасининг баландлиги 200 дан 35000 км гача ўзгарида.

Сунъий йўлдошлар бир-биридан қандай мақсадларда учирилганлиги ва бортидаги аппаратлари параметрлари билан фарқ киладилар. Уларнинг кўриниши турли-туман бўлиб, хашоратларни эслатувчи (хар томонга тармокланган Қўёш батареялари туфайли) сунъий йўлдошлар, баллонга ўхшаши, 41,2 метр диаметрда 256 кг массага эга бўлган "Эҳо-2" йўлдоши (ўртacha кесишиш майдонининг йўлдош вазнига нисбати-муҳим параметр бўлиб, у бу йўлдошларда  $50 \text{ см}^2/\text{г}$ ), ёки пушка ядросига ўхшаши, оғирлигига нисбатан ўлчами кичик (Лагеос –  $0.07 \text{ см}^2/\text{г}$ ) ЕСЙлари ажратилиди.

Сунъий йўлдошларни геодезик мақсадларда кузатишдан ташкири, Ердан узоклашаётган аппаратларни кузатишида ҳам фойдаланилади (масалан, Венера, Маринер ва бошқ.). Геодезиянинг космик методлари ривожланишида Ойнинг юзасига ўрнатилган бурчакли қайтаргичлар ёрдамида лазер кузатишлари алоҳида ўрин тутади. Бунда Ойга Ердан бошқариладиган "Луноход"ларнинг чиқарилиши муҳим роль ўйнади. Ниҳоят, энг кизиқ объектлар бўлмиши квазарлар кузатувидан ҳам геодезияда фойдаланилади.

Хозирги пайтда кузатиш методлари ўлчаш бажариладиган электромагнит тебранишлар диапазонига қараб, оптик ва радиотехник усусларга бўлинади. Оптик методда йўлдошни юлдузлар фонидаги олинган суратига қараб учиш йўналиши аникланади. Оптик методга яна йўлдош узоклигини лазерли узокни ўлчагичлар билан аниклани ҳам киради. Радиотехник методда геодезик масалаларни ечишида дифференциал ва интеграл доплер методлари ва узокликни фаза орқали ўлчаш методи кўлланилади. Доплер методи дастлаб сунъий йўлдош орбитасини учалик аник бўлмаган ўлчашларда фойдаланган эди, ўлчашларнинг аниклигига ошгани ва мукаммалашгани туфайли бу метод навигация ва геодезияда кўлланила бошланди.

Ернинг сунъий йўлдошини кузатиш ҳар бир методининг ўзига яраша камчилиги ва устиворлиги бор. Радиотехник методининг энг муҳим томони - ҳар қандай об-ҳавода ва куннинг хоҳлаган вақтида ўтказилиши мумкинлигидир. Оптик метод об-ҳавога боғлиқ ва Ер сунъий йўлдошини факат эрталаб ва кечкурун Ер юзи коронигу бўлиб, йўлдош эса горизонтдан баландда бўлиб, Қўёш нурлари билан ёритилган вақтда кузатиш мумкин. Аникликини ошириш нуткани назаридан қаралганда фотографик методининг имкониятлари чегараланганд, доплер методи эса фотографик методдан устунроқдир. Истиқболли методлардан бири – бу лазер методи бўлиб, ниҳоятда


кеттә аниклини туфайли фойдаланилади. Ҳозирги вактда барча медотлар бир-бирига ҳалакат бермайды, балки бир-бирини түлдиради. Бундан ташкари, геодезик масалаларда бошқа космик объектлар – сунъий ва табиий объектларни кузатишда радиотехник ва шунингдек, лазер методларидан фойдаланилади. Ернинг сунъий йўлдошлари ва бошка осмон жисмларининг харакатини геодезия мақсадларида кузатиш методларини кенгроқ кўриб чиқамиз.

### 3.1. Ер сунъий йўлдошларини кузатишнинг оптик усули

Ернинг сунъий йўлдошларини визуал кузатиш усулида куйидаги асбоблар ишлатилади:



14-расм. AT-1 (астрономик труба 1)



15-расм. AT-1нинг кўриши трубаси иплари

AT-1 учта катта бўлмаган кенг бурчакли, кўриш диаметри 50 мм бўлган телескоп бўлиб, кўринма майдони  $11^{\circ}$  ва у тасвирни 6 марта катталаштириб беради. Кўриш майдонида  $1^{\circ}$  интервалли ҳалқалар тизими бўлиб, иплари  $20''$  бўлинмага эга.



16-расм. Т3К



17-расм. BMGT110

ТЗК (Командир зенит трубаси) техник характеристикалари: 8 марта катталаштиради. Кўриш майдони бурчаги  $6^{\circ}$ , кўриш диаметри 3 мм, разрешенияси  $8''$ , окулярнинг диоптрия қурилмаси +5; ўлчамлари -396x423x438 мм, оғирлиги 16,5 кг.

БМТ-110 (Бинокуляр дengiz трубаси) катталаштириши 20 марта, кўриш майдон бурчаги  $5^{\circ}$ , рухсат этиш кобилияти 2,6 секунд, чикиш корачик узоқлиги 17 мм, чикиш зрачоги диаметри  $5,5 \pm 0,3$  мм, окулярнинг диоптрияси  $\pm 3$ ; окулярлар орасида масофанинг ўзгариши 50 мм дан 72 мм гача. Ёргули кўтказиш 50%, визирлаш горизонт бўйича чегарасиз -  $360^{\circ}$ , вертикал бўйича -  $20^{\circ}$  дан+ $85^{\circ}$  гача. Бинокулярнинг горизонтал ҳолатида труба ўлчашлари узунлиги 700 мм, кенглиги 530 мм, баландлиги (хамма ҳолатлар учун) энг ками 1715, энг кўпи 2045.

### 3.2. Кузатишнинг фотографик усулари

Йўлдош фотографик камераси – Ернинг сунъий йўлдошларини кузатишнинг фотографик телескопи. Бошка фотографик телескоплар туридан фарқ килиб, йўлдош фотокамералари кузатиш пайтини аник регистрация килиш ускунаси билан жихозланганлигидир. Йўлдошлар унча ёруғ бўлмаган объектлар бўлгани учун фотоэмульсия корайиши учун экспозиция катта бўлиши керак (секунд, бавзизда минутда). Тез ҳаракатланаётган йўлдошнинг тасвири фотоэмульсияда чўзилиб кетмаслиги учун йўлдош фотокамераларидаги фотопленкали кассета йўлдош тасвири кетидан ҳаракатланади. Бу фотокамераларнинг иккинчи хусусиятидир.

Йўлдош фотокамераларининг бошка турларида йўлдош тасвири бутун камеранинг айланиши хисобига (кузатиб бориши) фотоэмульсияни бир жойида ушлаб турилади. Бунинг учун камера монтиrovка (штатив) билан таъминланади ва у 3-4 айланиш ўкига эга бўлиб, бундай монтиrovка камерани йўлдошга осонликча тўғирлаш имконини беради. Обсерваторияларда стационар шароитда ва экспедицияларда кузатишга мосланган турли конструкцияли йўлдош фотокамералари ишлаб чиқилган.

Объект йўналишини аниклаш принциплари - йўлдошли ва классик фотографик астрометрияларда бир-бирига мос тушади. Ернинг сунъий йўлдошнинг йўналишни аниклашда осмон координаталари аник бўлган таянч осмон юлдузларидан фойдаланилади. Ер сунъий йўлдошларини кузатишнинг асосий фарки ва қийинлиги - уларнинг катта бурчак тезлигига эга эканлигига бўлиб, бу йўлдош астрометриясининг алоҳида фотографик

астрометрия шаҳобчасига бўлинишига сабаб бўлди. Шунинг учун объектнинг йўналишидан ташкари унинг суратдаги тасвирига мос вакт моментини аниқлаш зарурияти келиб чикади.

Вактни регистрацияси аниқлигига бўлган катта талаб ( $0,0005$  с) фотография ускуналарига, уларни саклаш усуулларига ва Ер сунъий йўлдошини кузатиш стационаридаги вактнинг аниқланишига ўзгача талаб кўйишга мажбур килади. Бу масалани мураккаблаштирумай шуни айтиш мумкин-ки, йўлдош фотокамераларининг уларга кўйилган узлуксиз харакатланувчи обтюратор затвори ва фотопленкада хира Ер сунъий йўлдошини изловчи тизими мавжудлиги каби хусусиятлари борлигидир. Обтюраторли затвор Ер сунъий йўлдошлари тасвирини катор нукталар кўринишида ёки Ер сунъий йўлдош ҳаракат йўлидаги киска ўзилишлар кўринишида олиш имконини беради. Хира сунъий йўлдош ҳаракати камеранинг ёки фотопленканинг орбита ўқига нисбатан бурилиши Ерни сунъий йўлдоши ҳаракати бўйича изланади. Ер усти объекtlарида эса камера тургун бўлади ёки юздузларга нисбатан олинади. Фотографик методларни ривожланишида фаол Ерни сунъий йўлдошлари алоҳида ўрин тутади, уларга ўзига хос лампалар ўрнатилган бўлиб, белгиланган фаолиятта мувофиқ нур чакнашларининг маълум программаси бўйича амал оширилади. Бундай “маяк”лар геодезик Ер сунъий йўлдошлари “Геос-1” ва “Геос-2”ларга ўрнатилган эди. Фаол Ер сунъий йўлдошиларнинг суратга олиниши Ер сунъий йўлдошларнинг йўналишини аниқлашда энг катта аниқликни беради. Фотографик камералар устида узок олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ер сунъий йўлдоши йўналишини аниқлайдиган энг катта аниқлик битта суратда ҳозирги вактда  $0,5$ ” (кўпчилик камералар учун бу аниқлик  $1-2$ ” орасида), хира Ер сунъий йўлдоши учун эса  $2-3$ ” га тенг бўлди.

Регистрация пайтини килиш аниқлиги техник сабабларга боғлиқ ва у кўпчилик камералар учун  $0,1-0,5$  мсга тенг. Яна шундай бир сабаб бор-ки, бу вактнинг этalon тизими билан камера соатларининг бир-бирига мослашиши бўлиб, у кўпинча  $1$  мс хатодикда бўлиши мумкин.

Охирги кузатиш натижаларидан бундай хатолар Ер сунъий йўлдошининг орбитаси ҳолатини аниқлашда бир неча метргача этиши мумкинлиги билинди. Ҳозирги геодезик талаблар учун бунга йўл кўйиш мумкин, лекин келгусида бунга йўл кўйиб бўлмайди. Шунинг учун йўлдош геодезиясининг фотографик методи классик метод

хисобланиб, асосан геометрик масалаларни ечиңдә, масалан, йўлдош триангуляция тўрларини куришда кўлланилади.



18-расм. АFY-75 (Автоматлаштирилган фотографик асбоб)

АFY-75 автоматик қидирув камераси фаол Ерни сунъий йўлдошлари чакнашларини регистрация қилади ва 8-9 юлдуз катталигидаги хира Ер сунъий йўлдошларини юқори аникликда суратга олади (объективи диаметри 210 мм, фокус масофаси 750 мм).


Собиқ Иттифоқда АFY-75 йўлдош фотокамерасидан геодезик ва геофизик тадқикотларда фойдаланилган. У тўртўкли монтировка, хира йўлдошларни кузатувчи фотопленка, харакатланувчи механизм-экваториал платформа билан таъминланган бўлиб, бу механизм суратга олиш давомида камерани кутб ўки атрофида айлантиради (бу нарса юлдузлар тасвирини нукта сифатида олиши учун зарур). Камера объективи диаметри 210 мм, фокус масофаси 736 мм. АFY-75 фотокамераси собиқ Иттифоқдаги фотографик станцияларида, шунингдек, собиқ Иттифоқ ФА дастури бўйича ишлаётган чет эл мамлакатларида ҳам ўрнатилган.



19-расм. ВАУ йўлдош камераси

Собик Иттифокда учёкли штативга ўрнатилган, юкори кўриш кобилиятига эга бўлган катта йўлдош камераси (ВАУ) яратилди. Унинг кўзгу-линзали объективи совет оғтиги Д.Д.Максудов томонидан яратилган. Бош кўзгунинг диаметри 107 см, кириш тўйнуни ва корекция линзасининг диаметри 70 см, фокус масофаси 70 см. Сурат 6x36 см узун фотопленкада олинади. Суратга олишда бир нуктадан иккинчи нуктага ўтиш олдиндан берилган дастур бўйича автоматик равишда бажарилади. Хира объектлар учун камеранинг учинчى ўқ атрофида айланниш тезлиги 0" дан 6000" секундгача.

ВАУ дунёдаги энг катта фотокамера бўлиб, жуда хира йўлдошларни ва планеталаро станцияларни ўн минглаб кмдан суратта олиш имконини беради. Бундай камералар билан собик Иттифоқ ФА Астрономия иттифоки Звенигород экспериментал йўлдошларни кузатиш станцияси ва Душанбадаги Тожикистон ФАнинг астрофизика институти обсерваториялари жихозланган. Йўлдошнинг лазерли узокни ўлчагичи-бу ЕСЙигача масофани ўлчайдиган астрономик асбобидир. Йўлдош лазерли узокни ўлчагичининг ишлаши принципи- ўлчагич юборган ёруғлик импульси йўлдошга бориб ва ундан яна ўлчагичга қайтишга асосланган (19-расм).



19а-расм. Узокни ўлчагичдан юборилган импульс

Ёруғлик тезлиги маълум бўлгани учун бу йўл билан ўлчангаш йўлдошгача бўлган масофа аниқ тошилади.

Кузатилаётган йўлдош тез ҳаракат киласи, шунинг учун жуда катта аникликда ўлчанган ҳар бир масофага кузатув бажарилган вақт моменти ҳам аниқ ўрнатилиши керак (миллисекунд улущигача). Бу аниқ вақт кварц соатлари орқали амалга оширилади. Ингичка, жуда қиска ёруғлик нури квант (лазер) генераторидан йўлдошга томон узатилади. У йўлдошнинг бурчак қайтаргичидан қайтади, призманинг Эта ички киррасидан қайтган нур ўз йўналишини қарама-карши томонга ўзгартиради. Бунинг натижасида йўлдошдан қайтган нур узокни ўлчагичда кабул килинади. Лазерли ўлчагичда вақт интервали

хисоблагиши бўлиб, у асбобдан нур чикканда ёқилиб, кайтганада ўчади. Лазер асбобида вақт оралиги 1:1000000000 с (наносекунд) аникликгача ўлчанадиган вақт хисоблагиши ишлатилади. Натижада йўлдошгача бўлган масофа 10–15 см аникликгача ўлчанади.

Бу принцип оддийдек кўринса-да, аслида ўлчаш ишлари осонликча кечмайди. Йиллаб олиб борилган назарий тадқиқотлардан кейинингина лазер ўлчагичларидан олинган масофа ҳозирда 1-2 дм аникликни берди. Бунинг учун асосий хатоликлар манбай – атмосфера таъсири, нур йўлидаги бузилишлар ва ускунадаги кечикишлар сабабларини топиш керак бўлди. Агар геодезистлар учун атмосфера рефракцияси ва ўлчанаётган масофа узоклиги туфайли хисобга олинмаган сабаблар (рефракция коэффициентини ўзгариши, ёргулук нурининг оғиши) киймати 1-2 см лиги маълум бўлса, дастлабки лазерлар кайтаётган нурининг сусайиши ва бузилиши туфайли хатолик 1 – 1,5 м гача бўлади. Бу аниклик фотографик ва радиотехник методларга нисбатан юкори даражадаги аниклик бўлсада, аммо бу натижалар геодезик (асосан геодинамик) максадларда якин келажакда фойдаланиш учун қоникарли эмас. Факат лазернинг мукаммаллаштирилиши – унинг кувватини ошиши, янада мукаммалроқ кабул килиш ускуналари (фото кўпайтиргичлар) яратилиши ва бошқа техник ишланмалар эвазига аниклик дециметр даражасига чиқди.

Мухандислик масаланинг ечимини талаб этадиган асосий масала-бу қабул килгичга тушаётган нур обьектдан кайтарилган нурми ёки бегона нурми? Бунинг учун юборилаётган импульс маълум амплитуда ва шаклга эга бўлиши керак, аммо нур обьектга бориб кайтаётганида, бундай хусусиятни ўзгартиради. Шунинг учун лазерли ўлчашларда космик обьектларнинг ҳолати импульс тусиши моментидан олдин хисоблаб чиқилиши муҳим роль ўйнайди. Космик обьектнинг маълум элементлари орқали олдиндан хисобланган вақт хисоби “старт” (бошланиш) дан бошланиб “стоп” (тўхташ) моментида тўхтайди.

Лазерли ўлчагичнинг аниклигини оширишда кираётган нурни диафрагмалаш бошқа ёргулкларнинг зарарли таъсирини камайтиради. Асбобда кечикишлар хисобига бўладиган доимий ускунга хатони тўғирлаш учун қайтариш обьектигача аник бўлган масофани ўлчаш йўли билан узокни ўлчагич калиброка килинади. Албатта ўлчанаётган масофа аниклиги лазер нурининг обьект юзасидан эмас (чунки юзанинг хоссалари маълум эмас) балки маълум бурчак кайтаргичларидан кайтарилишига ҳам боғлик.

Бурчак қайтаргичлари ўзига хос асбобдир, улар қайтарни хусусияти юкори бўлган призмалардан иборат бўлиб, ЕСЙ юзасига жойлаштирилади. 1976 йил 6000 км дебралашадан орбитага эга, геодезик маълумот тўплаш учун “Лагеос” Ер сунъий йўлдоши учирилди. Унинг сферик юзасида 426 та квадратдан ишланган қайтаргичлар ўрнатилган. 1978 йилдан бери ўтказилаётган ўлчашларда хатолик 3-5 см, бу эса лазерли узокни ўлчагич учун чегара эмас.

Космик йўл билан геодезик масалаларни ечиш методларини геометрик ва динамик турга бўлиш қабул қилинган. Агар космик обьект бизни маълум координатага эга кўринма нишон сифатида кизиқтириса, ҳисоблашда кўлланилган метод геометрик метод бўлади. Агар ҳисоблаш методида ҳаракатдаги космик обьект олинса (чунки бу ҳаракат Ернинг гравитация майдонидаги юз беради ва у Ер майдони таъсирида бўлади) бу метод динамик метод бўлади. Бундай ажратиш шартлидир, албаттга, чунки Ерни сунъий йўлдоши ёки бошқа космик обьектнинг фазодаги ҳолатини билиш учун, шу обьектни Ернинг гравитация майдонидаги ҳаракати назариясини билиш керак, яъни гравитация майдони хосасини фазонинг ҳар бир нуктасида билиш лозим. Шундай килиб, космик геодезиянинг барча методлари динамикдир.



20-расм.“Интеркосмос” лазер узокни ўлчагичи

20-расмда “Интеркосмос” лазерли узокни ўлчагичи кўрсатилган бўлиб, у сабик Иттифок, Чехословакия, Венгрия ва Польша давлатларининг олимлари илмий ҳамкорлигига яратилган. Сабик Иттифок ФА ишлаб чиккан дастур бўйича бу ўлчагичларда Ерни сунъий йўлдошларини кузатувлари олиб борилади. Ойгача бўлган масоғани ўлчашда ишлатиладиган ўлчагичлар ҳам шу принцип асосида курилган. Улар кўпинча катта телескопларга уланади. Бунда Оидаги ёргулик нури совет луноходларига ўрнатилган бурчак қайтаргичларидан олинади.

### 3.3. ЕСИларини кузатишнинг радиотехник усуллари

Доплер эффицити – кузатувчига нисбатан харакат манбаси сигнали частотасининг ўзгаришидир. Еу ўзгариш (частотанинг доплер сизлиши ёки доплер частотаси) кабул қилувчига нисбатан узатувчининг харакат тезлиги ва узатувчи частотаси билан пропорционал болганган. Нисбий тезликни нур тезлиги (чунки у кузатувчини кўриш нури йўналишида тарқалади) ёки радиал тезлик дейилади; чунки бу нур харакатдаги объектнинг радиус векторидир.

Шундай килиб доплер ўлчовлари бизга хар томонлама маълумот берувчи катталикни беради, яъни нур тезлиги узлуксиз графиги тасвирини маълум вақт интервали учун олсак, унда биз объектгача бўлган масофани ва унинг тезланишини орбитанинг бирор нуктаси учун олишимиз мумкин.

Доплер тизимининг Зта варианти бор. Биринчиси бу кайтариксиз тизим бўлиб, у асосан космик геодезияда кўлланилади. Космик аппарат бортида юкори стабил генератор чиқараётган частотани узатувчи курилма ўрнатилган. Ердаги станцияда ҳам таянч сигналлар генератори бор. Доплер частотаси ва таянч частоталарни солиштириш натижасидаги фарқ ўлчанаётган частотани беради. (таянч частота – бу ер ва йўлдош генераторлари частоталари орасидаги фарқ). Максус аппарат маълум вақт орасида ўлчанаётган частотани доплер сигналлари циклига айлантиради (бу кўпинча 0,5 дан бир неча секундгача бўлади).

Қайтариксиз тизимдан фарки ўлар оқ кайтарикли тизимда факат битта – ердаги генератордан фойдаланилади. Космик обьект бортида эса қабул қилувчи – кайтарувчи мослама ишлатилади, у станциядан қабул килинган сигнални Ерга кайтаради. Ердаги станция юборилган ва кайтарилган сигналларни солиштириб, частота фаркини аниклайди. Космик обьект юзасидан кайтарилган сигнал билан ишлайдиган радиолокацион тизимлар ҳам борлигини эса тутиш лозим. Бу тизимларнинг аниклигига кам ва космик геодезияда улар кўлланилмайди. Аммо оптик диапазонда локация гоясидан фойдаланиш жуда яхши натижаларни беради.

Узок муддатли дастурларда катнашувчи (масалан, Ер кутблари харакатини ўрнатувчи) стационар доплер станциялари тўғридан-тўғри Ер сунъий йўлдошидан олинган частоталарни ўлчовчи аппарат билан таъминланади. Бундай станцияларда юкори аниклидаги вақт стандарти бўлиши керак, уларнинг ишларини синхронизация килиш лозим. Бундай ташқари, йўлдош горизонтдан ўтаёттанди бир неча

юзлаб доплер частоталари кийматини бергани учун жуда катта сонли кийматларни хисоблаш муаммолари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳозирда интеграл доплер кабул килгичлар кенг кўлланилмоқда. Интеграл доплер гояси – Ерни сунъий йўлдоши орбитадаги кетма-кет 2 та топографик ҳолати (кузатув пунктидан) масофалари фарки вакт таянч частотаси – цикли сони учун 2 та кетма-кет ўзгарвлар фарқидан ибрат. Агар бортдаги генератор юкори аниклик даражасида тургун бўлганда эди, таянч частотасини ўзгармас деб хисоблаш мумкин бўлар эди ва биз шунда доплер цикларининг иккита кетма-кетсаноги ва Ер сунъий йўлдоши топографик узоклигининг иккита кетма-кетлиги фарки билан параллел боғлиқлигини олар эдик, яъни Ернинг сунъий йўлдошининг кузатиш пунктидан узоклигини. Аммо борт генератори частотаси вакт ўзгариши билан ўзгаради ва бу ўзгариши учалик катта бўлмаган киймат бўлиб, бу частота кандай конун асосида ўзгариши ҳам маълум эмас. Шунинг учун таянч частотасини аникланган қатталиклар хисобига кўшиб. Ер сунъий йўлдошининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга 1 марта ўтишида частота ўзгармас деб хисобланади, аммо бошка бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишида ўзгаради деб хисобланади. ЕСЙни кузатишининг интеграл доплер методи навигация масалаларини очишга ёрдам беради. Геодезияда эса Ерни сунъий йўлдоши узоқ муддатли фаолиятда (“Транзит” навигация тизими каби) эффектив хисобланади ва Ернинг истадаги пунктидан кузатишида ушбу пункт координаталарини олини имконини беради.

Пунктлар координатаси радиотехник методда фотографик методга нисбатан аникроқ олиниади. Радиал тезликнинг ўргача аниклиги секундига бир неча см ни ташкил этади. Бу орбитадаги Ер сунъий йўлдоши ҳолатини ёки ер стансияси ҳолатини юкоси аникликда хисоблаш имконини беради (кандай масала кўйилининг боғлиқ; Ернинг сунъий йўлдоши орбитасини аниклашми, ёки Ер юзасидаги координаталарни аниклаш керакми?). Бу ерда асосий хатоликлар манбаи доплер станциялари синхронизацияси аникмаслиги ва ўлчов асбобларининг шовкинидир.

Албатта радиосигналлар ўтишига атмосфера таъсири бор: тропосфера (атмосферанинг пастки нейтрал қисми) ва ионосфера таъсир килади. Аммо тропосферанинг таъсири ишонарли формулалар билан хисобланishi мумкин, ионосфера таъсири эса иккита частотани кўллаш билан камайтирилади. Назариядан маълумки, агар учта частота кўлланса ионосфера рефракцияси йўқка чиқарилади. Амалда эса иккита частотадан фойдаланини кулайрок, рефракция колдиги

кузатиш вақти таңнови билан йўқотилади. Релятивистик эффектни доплер частотасига таъсири ҳам қизик муаммо, аммо у ниҳоятда мураккаб бўлгани учун биз унга тўхтамаймиз.

Демак, радиотехник (айникиса, доплер) методлари космик геодезияда фотографик метод билан ёнима-ён ривожланиб борди ва ҳозирда кузатиш маълумотларни олиш бўйича олдинги ўринни эгалладилар. Аммо охиригина пайтда космик геодезия ривожланишининг бошида асосий натижаларни берган оптик метод яна ўзини кўрсатди. Бу метод аввал геодезияда Ойга нисбатан кузатув обьекти сифатида юзикиш ўйғотган бўлса, кейинчалик йўлдош геодезиясининг воситасига кирди. Бу ерда гап лазерли узокни ўлчагичларни хакида кетепти, улар космик геодезияда локация гоясини кўллаш имконини берди.

Охиригина йилларда космик геодезияда учта буюк воқеага сабаб бўлган радиотехник методга алоҳида диккат килинмоқда: Ер гравитацион ўзгармас катталигини аниқланниш, Ойдаги масканларининг очилиш ва жуда узок баззали радиоинтерферометрларни геодезияда фойдаланилиши бўйича.

Ернинг гравитация ўзгармас киймати  $\mu$  абсолют гравитация ўзгармас катталигини Ер массасига кўлайтмасига teng. Абсолют гравитация ўзгармас катталиги-бу бутун дунё тортилиш конунини пропорция коэффициентининг математик ифодасидир. Изланиш натижаларига кўра КА учун  $\mu_0$  катталикини аниқлашнинг умумий кўриниши куйидагича: юкори аниқликдаги радиотехник тизим КА узоклигини ва нур тезлигини аниқлаб узликсиз кузатув олиб борилади. Бошида тахминий шароитга кўра ва  $\mu_0$  нинг қабул килган кийматлари бўйича КАнинг орбитадаги ҳаракати сони аниқланади. Бу орбита геоцентрик эмас, балки гелиоцентрик, чунки КА ҳаракати Ер атрофида эмас, балки Куёш атрофида бўлиб, у узок планеталарга йўналган.

Энг кичик квадратлар методига мувофиқ кузатилган ва хисобланган КА узоклиги ва нур тезлигига асосланниб, уни ҳаракатининг бошлангич шартлари ва  $\mu_0$  аниқлаштирилади. Бу эслида тортишиш майдонида оғирлик кучини жисмнинг эркин тушиш тезланинни методи билан аниқлашга ўхшашиб, факат бунда ҳаракат тенгламасини соили ечишнинг хожати йўқ, чунки эркин тушиш парабола графиги бўйича кечади, унинг шакли ва катталиги бошлангич шартларга асосан аниқланади.

$\mu$  катталикини аниқлаш ишлари АҚШ ва Собиқ Иттифокда олиб борилган. Марсга ва бошка планеталарга учирилган “Венера”,

“Маринер”, “Викинг” ва “Вояжер” КАлари кузатувидан олинган натижә хайрон җоларла даражади мөс түшгән. 11 бир-бирига боғлиқ бўлмаган нисбий хатонинг ўртача киймати –  $10^{-6}$ дан кичик. Узоқдаги КАларни радиотехник кузатувлардан 忤 кийматини аниқлаштиришдан ташкари Ер массасининг Ой массасига нисбати аниқлаштирилди ва Венера ва Марсни массаларни ўлчамлари ва сикилиши аниқланди.

“Луна” ва “Луна-Орбитр” серияли Ойнинг сунъий йўлдошларини (ОСЙ) юкори аниқликдаги радиотехник кузатишлар натижасида ОСЙ нур тезликлари катталикларида доимий “чакнаш”лар топилди. Синчиклаб текширилганда бу “чакнаш”лар асборбларниң тасодифий хатоси эмаслиги аниқланди, чунки бу воеа ОСЙ Ой юзасининг битта жойидан ўтаётганда юз берарди. Демак, бу жойда Ойнинг гравитация майдонининг каттагина аномалияси борлигидир.


Ойда атмосфера бўлмагани учун ОСЙ ларини тормозлашни хожати йўқ, шунинг учун улар Ой юзига жуда якин орбиталарга чиқарилади, яъни 50-100 км баландликка. Фотографиялардан Ойнинг кўринимас томони рельефининг ўзига хослиги маълум бўлган холда, унинг гравитация майдонларининг кучайиши ой дентизлари устида рўй беради, масалан, Равшанлик дентизи, Ёмғирлар дентизи ва бошқалардир. Шуниси қизик-хи бу катта аномалиялар масканлар (“масса концентрацияси” сўзининг кисқартирилганидан олинган – massconcentration)ёки ой дентизлари билан боғлиkdir. Ерда ҳам аномал районлар (воҳалар) бор, аммо уларни тоғларда ёки дентизларнинг энг чукур жойларида жойлашган. “Анаплон-15” дан учирилган ОСЙ ёрдамида Ойнинг кўринмайдиган томони гравиметрияси ўрганилди ва Ойнинг тескари томонини гравиметрик картаси тузилди. Ундан кўриниб турибдики, Ойнинг тескари томонида масконлар йўқ экан ва ҳамма мусбат аномалиялар факат тоғлик районлар билан боғлиқ. Масконлар табиатини аниқлашда, келгусида Ойга Ердан болқариладиган, гравиметр ўрнатилган аппарат юбориш билан боғлиқ, бунда оғирлик кучини традицион гравиметрик методдан (янги даражада) аниқлашда фойдаланилади.

1965 йында совет астрономлари узок базисли радиоинтерферометр методи ёки ўта узок базали (УУБР) радиоинтерферометр тоясини (таялимотини) илгари суришди. Оддий (киска базисли) радиоинтерферометр методи Ер сунъий йўлдошини ўрганицида кенг ёйилган эди. Бунда Ер сунъий йўлдошини аниқ масофага-1 км га жойлаштирилган икки антеннадан келаётган радиосигналларни бир вактда кузативидан Ер сунъий йўлдошига

Йўналишни аниқлаш мумкин. Антенналар орқали бу кизинган сигналлар-фазасининг фарки иккала антenna тўлқинининг фронги бўйлаб ўтиши вақти фарқини аниқлаш имконини беради.

Ёргулук тезлигини шу вақт фарқига ҳосиласи Ер сунъий йўлдошдан антеннагача ўтилган йўл фарқини характерловчи катталиник бўлagini беради (21-расм). Бу узунликнинг база узунлигига нисбати Ер сунъий йўлдошининг йўналишини аниқловчи бурчак косинусига teng. Бу методда базанинг кичиклиги Ер сунъий йўлдошидан антеннага йўналишни амалга параллелиги шартилар. Оддий интерферометр техникасининг ривожланиши базани 5 км гача ошириш имконини беради ва бундан табий радио манбаларни излашда фойдаланиш мумкин бўлади, чунки уларнинг аниқлиги 0,1" дан юкори эди.

Радиоинтерферометр методининг геодезик ва астрономик юкори аниқликдаги ўчловларининг воситаси сифатида ривожланиши радиоинтерферометр методини яратиш давомида эришилди. Бу метод ҳам оддий интерферометрия методига асосланган, фақат бунда бир-биридан бир неча километр масофада жойлаштирилган иккى радиотелескоп (РТ) нинг бир вақтда қузатиш магнитофон ёзувларини солиштириш натижасида антенналарнинг сигнални регистрация қилиш вақти фарки олинниш асосий роль ўйнайди. Яна хар бир РТда бирор нарсага боғлик бўлмаган вақт стандарти мавжудлиги ҳам сезиларли роль ўйнайди.



21-расм. Радиоинтерферометрик ўчловлар схемаси

Умуман олганда УУБР методи диаметри 25-30 м дан олган кучли радио антенналар ёрдамида галактикадан ташқаридағи 0,001" бурчак диаметри квазарлар очияндан сўнг мумкин бўлиб колди. Юкори частотаси турғунликка эта бўлган генераторларининг борлиги, ниҳоятда кўп ахборатлар оқинмини ёзувчи магнитофонлар, шунингдек, ЭХМларнинг мавжудлиги туфайли карама-карши масалаларни ёзувчи УУБР методини амалда кўллашни ривожлантиришга ёрдам берди. Квазарга маълум бўлган йўналиш бўйича куйидагиларни аниқлаш мумкин: 1)  $10^{-6}$  юкори нуқсон билан ср хордасини ёки база

узунлигини; 2) бурчак секундининг 0,01 аниқидаги база йўналишини характерловчи бурчакни; 3) вактнинг 0,001 аниклигигача Ер айланиши тезлиги ёки сутка узунлиги ва уларнинг вариациаларини. УУБР методи билан Ойни локация килиш аниклиги ( $3 \cdot 10^{-9}$ ) гача аникликка эришин мумкин бўлса-да, унинг асосида амалда геодезик дастур яратишда бир катор қийинчиликлар мавжуд, масалан, улардан бири радиотўлкинларнинг тропосферадан ўтишидаги тузатмаларни хисобга олиниши. Бу қийинчиликлар енгиб ўтилади ва УУБР методи космик геодезиянинг етакчи методларидан бўлиб колади. Собиқ Иттифоқ олимни И.Д.Жонголович Ер шарининг динамик тадқиқотлар учун координата тизимларини хисоблаш ва тутиб туришда энг яхши восита бўлиши мумкин деган фикри айтган.

### **З-боб бўйича назорат саволлари.**

1. Сунъий йўлдошлиари кузатиш усулиларини таърифланг.
2. ЕСЙ оғтиқ усуllibаридан кузатишда кандай асбоблардан фойдаланилади?
3. Оптик усуllibарি аниклиги нималарга тенг?
4. Радиометрик усуllibар кандай асбоблар ёрдамида бажарилади?
5. Радиометрик усуllibарнинг аниклиги кандай?

#### IV БОБ. ГЕОДЕЗИК СУНЬЙИЙ ЙҮЛДОШЛАР

Геодезик Ернинг сунъий йўлдошлари, бу геодезия масалаларини ечиш учун кузатиш обьекти сифатида учирилган йўлдошлардир. Бу масалани ечиш учун манба сифатида у ёки бу йўлдошга иисбатан йўналиш ўлчови (позицион кузатув) ва унгача бўлган масофа хизмат килади. Ернинг бир-биридан бир неча минг км узокликтаги (масалан, континентларо космик триангуляция) пунктларининг bogланиши 4-6 минг км баландликда харакатланадиган йўлдошини бир ёки бир нечта нуктадан позицион фотографик кузатувидан олинади. Бундай кузатишларни ўртacha катталикдаги йўлдош фотокамералари билан тазминлаш учун шиширилган геодезик йўлдошлар – 30-40 см ли алюминий билан кошланган пласт массалардан ясалган баллонлар учирилади.



22-расм. Эхо-1 Ернинг сунъий йўлдоши.

Динамик йўлдош геодезиясида харакати атмосферанинг бир хил жинсли эмаслигига боғлиқ бўлмаган ва факат Ернинг тортиши кучи хусусиятлари билан аниқланадиган, массаси оғирроқ йўлдошлардан фойдаланилади ва бундай геодезик йўлдошлар 3 минг км баландликкача чиқарилади. Геодезик йўлдошларда бир вақтдаги позицион кузатишлар аниқлигини ошириш ва йўлдошгача масофани ўлчаш учун маҳсус ускуналар ўрнатилади. Ердан бошқариладиган ва иши бортидаги кварц соатлари билан текшириладиган кучли ёргулик манбаалари позицион кузатувларни енгиллаштиради ва уларни бир неча станцияларда бир вақтининг ўзида юкори аниқликда бир-бирига мослайди. Геодезик йўлдошта ердаги станциялардан юборилган радиосигналларни ретрансляция килувчи – қабул килиб олувчи кузатувчи асбоблар ўрнатилган ва юборилган сигналлар фазаларининг сигнали фарқини ўлчаш орқали йўлдошгача масофа ўлчанади. Геодезик йўлдошларда ўрнатилган радиоузатувчи сигнали частоталарининг ўзгариши тахлили асосида ҳам йўлдошгача бўладиган масофа аниқланади. Йўлдош лазерли узокни

ўлчагичларида ҳам масофани ўлчаш учун йўлдошларга бурчакли кайтаргичлар ўрнатилади. Биринчи импульсли лампалар ўрнатилиган геодезик йўлдош – Америка йўлдоши “АННА-ІВ” (1962 йилда учирилган).

4-жадвал

Номи	NSSDC ID	Вақт (UTC)	Учирни жойи	Олиб чикувчи ракета	Диаметри	Оғирлиги
		13.5.1960, 9:16:05	Канавералдб. LC17A	Thor 144/D1	30,5 м	56кг
Эхо-1	1960-009A	12.8.1960, 9:39:43	Канавералдб. LC17A	Thor 270/D2	30,5 м	76кг
Эхо-2	1964-004A	25.1.1964, 13:59:04	Ванденберг базаси 75-1-I	Thor SLV-2/Agena B 397 (TA2)	41,1 м	256кг

Эхо сериясидаги Ер сунъий йўлдошлари йўлдош космик ретрансляторларидан фойдаланиш учун ишлаб чиқилган. Улар орбитадаги йўлдош радио тўлкинларни пассив рефлектор сифатида кайташиб, Ернинг икки станцияси орасидаги радиосигнални ретрансляциялар килиб бериши керак эди. Йўлдошида кабул килиб кайтарувчи асбоб йўқ бўлиб, у кайтаргич сифатида алюминий билан қопланган юпка (0,1270мм) сферик полуэфир парладан- баллондан иборат. Учирилаётганда йўлдош ракета ташувчисида тахланган ҳолда жойлаштириллади. Полимер сферанинг ичига орбитага чиқкач йўлдош баллонни шишириш учун кимёвий кукун кўйилган бўлади.

1960 йил 13 майдаги йўлдошни орбитага чиқаришга бўлган уриниш 2 погонали ракета ташувчининг ҳалокати туфайли муваффакиятсизликка учради. Иккинчи уриниш муваффакиятли бўлди ва 1960 йил 12 августда Эхо-1 Ер орбитасига чиқарилди. Йўлдош билан ишлани жараённида континентлараро радио ва телевизион (960 ва 239 Мгц диапозонда) тадқикоти ҳам амалга оширилди.


Дастурнинг мухим вазифаси - Ер экзосфераси зичлигини тахлили бўлди. Ўзининг ўлчами ва елканлиги анчагина катталиги сабабли Эхо-1 Ер атмосферасиниг юкори қатламларида тез тўхтади. Йўлдош орбитасининг деградацияси унинг баландлигидаги мухит ва кўёш шамоли (кўёш фаоллиги) таъсирида Ернин юкори атмосфера зичлигини аниқлаш имконини беради. Йўлдошга Кўёш нури босимининг таъсири ҳам сезиларли бўлди.

Йўлдошларни оптик кузатниш ҳам аҳамиятга эга бўлади. Катталиги ва ойнали коплами бўлгани туфайли Эхо-1 тунги осмондиги энг ёруғ йўлдош бўлади. Эхо-1 инг кўринма ва

фотографик кузатишларидан йўлдош геодезияси соҳасида яхши натижалар олинди.

1964 йил 25 январда Эхо-2 ЕСЙ учирилди. У собик Иттифоқ ва АҚШнинг биргаликдаги тадқиқот дастурида фойдаланилди, унинг кўринма ва фотографик кузатуви кенг кўламда олиб борилди. Ундан йўлдош геодезияси ва триангуляция, орбита эволюциясини кузатишда, Ер атмосферасининг юкори катлами вариацияси (ўзгариши) ўрганилди.

Lageos-I ва Lageos-II (Laser Geodynamic Satellite) – халкаро (NASA ва бошка) тадқиқотчилар томонидан геодинамикани ўргатиш ва Ер гравитация майдонини параметрларини аниклаш учун яратилган йўлдошлар. Legos-I 1976 йил, Legeos-II 1992 йил учирилган. Булар суст йўлдошлар бўлиб, улар Ердан юборилган лазер нурини кайтаришга мўлжалланган, шу туфайли йўлдошларнинг ҳолати аник хисобланган.




23-расм. Лагес-1 ЕСЙ

Йўлдош диаметри 60 см ли мис шар бўлиб, массаси 410 кг. Унинг юпқа алюминий қобигида 426 та ойнадек силликланган ботиқликлар мавжуд. 11 йил давомида натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатди-ки, йўлдош орбиталари Ерга қараб 1 йилда 2 м сурилган. Бу қиймат умумий нисбийлик назарияси хисоби билан 99% мос тушади. Хисоб-китоб бўйича 5880 км баландликдаги орбитада бу йўлдош 8 млн. йил умр кўриши мумкин.

Лагес-1 шарининг ичига келажакдаги авлодларга ёзилган пўлат пластинка кўйилган. Чап бурчак юкорисида йўлдош сурати бор, сўнг сонлар 1дан 10гача иккилик коди билан ёзилган, ёнида Ер Қуёш атрофидаги орбитала. Пастрокда Ер континентларининг 225 млн йил

аввалги холати күрсатылган. Сурат тағида иккилік коди билан 225000000 сони өзілгін, чап томонға қарастылған стрелка "йүлдош учирғанга кадар" деган маңынни билдиради. Үргата материкларнинг хозирги күріниши, йүлдошнинг ернінг кайси нұктасидан чикканлығы күрсатылған. Пәстдә Ернінг йүлдош учирғандан 8,4 млн йил үтгандан сүнти картаси. Сурат бу вактта келиб йүлдош тұқташи ва Ерга тортилишини изохлайды. Бу хат-суратни яраттан астроном Карл Саган айтиши бүйіч, ўша пайтда планетамизда ким яшашидан қатъй назар бу хатни олиши уларға ёкимли бўлади.



24-расм. ПАГЕОС йүлдоши

PAGEOS (Passive Geodetic Earth Orbiting Satellite – Ернінг пассив суный геодезик йүлдоши) – бу йүлдош–баллон 1966 йил шомда NASA томонидан учирған. Pageos юпка (0,0127 млн) алюминийли полимер пардадан иборат диаметри 31 м ли сферадир. Оғирлиги 56кг. АҚШ ва Швейцарияларнинг биргаликдаги 1969-73 йилда ишлаган йүлдош триангуляциясини кузатувчи дүнә тармоги дастуридан фойдаланилған. Бу тармоқ 46 станциядан иборат бўлиб, орасидаги масофа 3000-5000км дир. Станциялар хамма континентларда жойлашған. Йүлдошни кузатиши натижалари бүйічә ўтказилған ҳисоб-китоб Ер юзидағы нұкталар координаталарини 3-5 м аниқликда топиш имконини беради (Ер юзи триангуляцияси аниқлигидан 20 марта ортиқ).

Pageos 4000 км баландыкдаги орбиттага катта оғищ бурчак ( $85^{\circ}$ - $86^{\circ}$ ) билан чиқарылған эди. Йүлдош 1975 йилгача умр күрди. Pageos даң олдинги баллонлар йүлдошлар Эхо-1/Эхо-2 – суст йүлдошлар

(Along Track Scanning Radiometer) -- инфракизил радиометр ва микротүлкінлар чыкарувчи деңгиз юзаси хароратини, булуттарнинг температура ва налигигини ўлчовчи асбоб ва бошқалар.

PRARE (Precise Rangeand Range-rate Equipment) –геодезик фиксировка килувчи, йўлдош координаталарини ва орбита параметрларини аник ўлчашда ишлатиладиган аппарат.

LRR (Laser Retro-reflectors) – Ердаги лазер станциялари оркали йўлдош ҳолатини ва орбитасини аниклаш учун ишлатиладиган кайтаргич. Сенсорлар тўплами – Ернинг ҳар кандай оби-хавода ва вактига боғлик бўлмагани ҳолда кузатиш учун мўлжалланган. ERSнинг хизмат килиш вактига қараб бир неча алоҳида этапдан ва солтига фаталан иборат тадқикот дастури тузилган:

1. Учирилтандан сўнг 2 ҳафта давомида орбита параметрлари ҳакида маълумот йигиш ва функционал контроль (текширув) тизими.
2. 1991 3 август-10 декабрь – экзамен фазаси, уч кундан сўнг трасса бўйлаб учишни кайтариш.
3. 1991 йил 28 декабрь-1992 йил 30 марта – биринчи “муз” фазаси (уч кунлик цикл).
4. 1992 йил 15 апрель-1993 йил 15 декабрь-кўп масалали фаза (трасса бўйлаб учиш 35 суткадан кейин).
5. 1994 йил 1 январь-31 марта – иккинчи “муз” фазаси, уч кунлик цикл билан.
6. 1994 йил 15 апрелдан – геодезик фаза, трассани кайта учиш 176 суткадан сўнг.

#### 4-боб бўйича назорат саволлари.

1. Сунъий йўлдошлар кандай тасифланади?
2. Ерга нисбатан сунъий йўлдошларнинг учиш баландликлари кандай?
3. Пассив ва актив сунъий йўлдошларга нималар киради?
4. Пагеос йўлдошнинг диаметри нимага teng?
5. Лагеос йўлдошнинг диаметри қанча?
6. Лагеоснинг геоцентрик масофаси нима ва унинг қиймати нимага teng?
7. ERS 1, 2 максадлари нималардан иборат?
8. Ер юзасидан йўлдошгача бўлган менинг массофа қанча?
9. Навигацион сунъий йўлдошлар деб нималарга айтилади?
10. Эхо йўлдошининг параметрлари ҳакида маълумот беринг.


## V БОБ. ЕР СУНЬИЙ ЙҮЛДОШИННИГ ХАРАКАТИ ЙÜЛИ

### 5.1. ЕСЙЛАРИНИНГ ГАЛАЁИМAGАН (КҮЗГАТИЛМАГАН) ХАРАКАТИ

Ернинг сунъий йүлдошларининг Ер атрофиласи харакати куйидаги факторлар билан аникланади: Күёш тизими планеталари ва Ер, Ой, Күшнинг тортиш кучи, атмосферанинг тормозлаши, ёргулик босими, Ернинг магнит майдони таъсири ва бошқалар. Юкорида кўрсатилиган факторлардан асосийи Ернинг тортиш кучидир. Колганлари иккинчи даражали хисобланади. Шунинг учун Ер сунъий йүлдоши харакати масаласи ўрганилганда юкоридаги иккинчи даражали факторлар хисобга олинмайди.

Тассавур киламиз-ки, Ер аниқ сферик шаклда ва модда  $M$  моддий нукта массаси Ер массасига тенг, тортиш кучи шунга мос. Бундай тасаввурда Ер сунъий йүлдошининг кўзгатилмаган харакатини беради.

Агар йўлдош массаси  $m$  Ер массаси  $M$ дан ниҳоятда кичиклиги учун хисобга олинса кўзгатилмаган харакат формуласи соддозлашади. Унда йўлдош тортиш кучи билан вужудга келадиган Ер тезланишини хисобга олмаса ҳам бўлади.



26-расм. Йўлдошининг кўзгатилмаган харакати.

Ньютонинг иккинчи конуни асосида

$$\vec{F} = m \ddot{\vec{r}} \quad (5.1.1)$$

бу серда  $\vec{r}$  Ер сунъий йўлдошининг тезланиши вектори.  
 $\vec{F}$  – бўтун дунё тортилиши конунига асосан куч модули.

$$|\vec{F}| = f \frac{mM}{r^2} \quad (5.1.2)$$

$f$  – тортишиш ўзгармас катталиги,

$r$  – йўлдош  $m$ дан Ер  $M$  гача бўлган масофа.

Бир неча ўзгартырылардан сүнг күзгатылмаган ҳаракаттинг дефференциал тенгламасини оламиз:

$$\ddot{\vec{r}} = -\frac{\mu}{r^3} \vec{r} \quad (5.1.3)$$

$\mu = fM$  га тенг

## 5.2. Ер сүнъий йўлдошининг галаёнли ҳаракати

Фараз қиласиз-ки йўлдошга марказий кучлардан ташқари ихтиёрий ҳарактерли куч таъсир қилаётган бўлсин, бунда йўлдош ҳаракати Кеплер конуни бўйича ҳаракатдан фарқ қиласи. Бундай ҳаракат кўзгатилган ёки галаёнли ҳаракат дейилади, орбитаси эса галаёнланган орбита дейилади. Бир хил параметрлар, масалан орбиганинг галаёнланган ва галаёнламаган (Кеплер) элементлари орасидаги фарқ бир вакт мобайнида галаёнланиш дейилади.

Галаёнланган ҳаракат дифференциал тенгламаси галаёнламаган ҳаракат тенгламасидан шу билан фарқ қиласиди, галаёнланган ҳаракат формуласининг ўнг томонида коллар ўрнида галаёнтираётган кучлар томонидан берилган тезланиш проекциялари туради.

$$\ddot{\vec{r}} + \frac{\mu}{r^3} \vec{r} = \vec{F} \quad (5.2.1)$$

Бу ерда  $F_x, F_y$ , ва  $F_z$  - галаёнтирувчи тезланиш. Галаёнтирилган ҳаракаттинг бундай шакли тезланиш вектор катталик эканлигидан келиб чиқади, чунки уларнинг проекцияси қўшилниши керак. Галаёнтирилган ҳаракат тенгламасини охирги шаклида ҳам, квадрат кўриннишида ҳам интеграллаб бўлмайди, факат баъзи деярли учрамайдиган хусусий ҳоллар бундан мустасно. Шунинг учун (5.2.1) тенгламани интеграллаш учун ҳар хил тахминий методларни кўлашга тўғри келади.

Фараз қилайликки, (5.2.1) формуласи бирор даражада тахминий метод билан интегралланган. У ҳолда йўлдош тезлигини ташкил этувчилари хуз геоцентрик координаталарнинг  $x, y, z$  дан галаёнган кийматларини ҳисоблаш мумкин бўлган ифода олинган бўлар эди. Агар  $\dot{x}, \dot{y}, \dot{z}$ , ва  $x, y, z$  орқали галаёнган тезлик ва координаталарни белгиласак, ўтган вакт моменти учун куйидагини ёниш мумкин.

$$\dot{x} = x_h + \delta \dot{x}; \quad \dot{y} = y_h + \delta \dot{y}; \quad \dot{z} = z_h + \delta \dot{z};$$

$$x = x_n + \delta x; \quad y = y_n + \delta y; \quad z = z_n + \delta z; \quad (5.2.2)$$

Бу ерда  $\delta x, \delta y, \delta z, \delta \dot{x}, \delta \dot{y}, \delta \dot{z}$  –вакт ва ўзгармас катталикларни интеграл килишни ифодаловчи жуда мураккаб функциялар бўлиб, тезлик ва координатар ғалаёйланганилигидир. Ғалаёйланмаган ҳаракат кеплер орбитасининг элементларидан ўлароқ, интеграл килинадиган ўзгармас катталиклар бўла олмайди, чунки ғалаёйтирувчи куч таъсирида улар вакт ўтиши билан тинмай ўзгаради.

Шундай килиб, Ер сунъий йўлдош ғалаёйланган ҳаракат назариясининг асосий масаласи ҳаракатнинг дефференцинал тенгламасидан (5.2.1)  $\delta x, \delta y, \delta z, \delta \dot{x}, \delta \dot{y}, \delta \dot{z}$  -ғалаёйланниш катталикларини аникроқ аниқлашади.

Йўлдошлар ҳаракатида ғалаённи аниқладиган асосий факторлар: Ер ташки гравитация майдонининг ғалаёйтирувчи кисми, геопотенциал, Куёш ва Ойнинг ғалаёйтирувчи ҳаракати, тўр босими, ер геопотенциал сатхи, Куёш ва Ой таъсирида кўтарилиши натижасида текисланиш деформацияси туфайли ғалаёйтирувчи ҳаракат, Ернинг Куёш радиациясини кайта таркатиши, инерциал координаталар тизимида сфероидал Ернинг прецессион-нутация бурилиши натижасида ҳосил бўлувчи ғалаёйтирувчи ҳаракат, атмосферанинг юкори катламларида (2000 км баландликда) ҳаракатланувчи йўлдошлар учун атмосферанинг тормозлантириши ва бошқалар.

Санаб ўтилган ғалаёйтирувчи факторлар (5.2.1) тенгламага кирган  $F_x, F_y, F_z$ -ғалаёйтирувчи тезланишларининг аналитик шаклини аниқлади. Тахминий интеграллаш методи 2 асосий синфга бўлинади: аналитик ва микдорли. Биринчиси Ер сунъий йўлдоши ғалаёйланган ҳаракатини тасвириловчи тахминий аналитик формулалар олишини таъминлади, иккинчиси эса берилган вакт моментида йўлдош ҳаракатидаги ғалаённинг сон кийматини олиш имконини беради.


### 5-боб бўйича назорат саволлари.

1.  $m$ - йўлдош массаси нимага teng
2.  $M$ - Ер массаси нимага teng
3.  $\vec{F}$  – кайси қонунига асосланган.
4.  $f = ?$
5.  $\mu$ - нимага teng
6.  $F_x, F_y$ , ва  $F_z$  - ғалаёйтирувчи .....
7.  $\dot{x}, \dot{y}, \dot{z}$ , ва  $x, y, z$  - ғалаёнган.....

## VI БОБ. КОСМИК ГЕОДЕЗИЯНИНГ ГЕОМЕТРИК МАСАЛАЛАРИ

### 6.1. Сунъий йўлдош триангуляциясини куриш чизмаси

Космик геодезиянинг геометрик масалаларига ернинг гравитация майдони моделида, маълум координати тизимида, ер юзи нуктаси ёки ер атрофи фазосидаги нуктанинг холатини аниклаш масаласи киради. Ҳозирги пайтда геодезик масалаларни ечишда ЕСЙларидан фойдаланишининг икки йўналиши мавжуд. Биринчи йўналиш-йўлдошнинг ҳаракати конуниятларидан фойдаланиб, ердаги пункт координаталари ва Ернинг геофизик параметрларини биргаликда аниклашнинг усуллари тўпламидан иборат. У кўпинча космик геодезиянинг динамик методи деб аталади. Иккинчи йўналишда йўлдошнинг ҳаракат конунларини аник билиш шарт эмас. Бунда ЕСЙни синхрон кузатишларидан фазовий тўр қурилади, бу йўналиш космик геодезияни геометрик методи дейилади.



27-расм. Ер сунъий йўлдоши срдамида геодезик тўрлар қуриш принципи

Ер сунъий йўлдошнинг бирор ер пункти билан боғланиши куйидаги формула билан белгиланади:

$$\vec{R}_t = \vec{r}_t - \vec{p}_t \quad (6.1.1)$$

Бу ерда :  $\vec{p}_t$  -ўлчанган топографик вектор,

$\vec{r}_t$ -Ер сунъий йўлдошининг радиус вектори,

$\vec{R}_t$  -еर пункти радиус-вектори.

(6.1.1) ифодадан агар,  $\vec{r}_t$  ва  $\vec{p}_t$  векторлар маълум бўлса, унда улар орқали  $\vec{R}_t$  ни топиш мумкин.

Ер пункти радиус-вектори ва бунга улар ёки ер пункти координаталари ва ўлчанган вектор маълум бўлса, Ер сунъий йўлдошнинг ҳолатини аниқлаш мумкин. Шунинг учун (6.1.1) ифода космик геодезиянинг асосий тенгламаси дейилади. Оддийгина кўринган бу формуладан амалда фойдаланиш анча мураккаб ва у асосан иккита вариантда қўлланилади:

1. Ер сунъий йўлдошининг ҳолати ердаги икки ёки ундан ортик пунктлардан кузатилиади.
2. Ер сунъий йўлдошининг ҳолати факат битта пунктдан кузатилиади.

Биринчи вариант учун:

$$\vec{R}_1 = \vec{r} - \vec{\rho}_1, \quad \vec{R}_2 = \vec{r} - \vec{\rho}_2 \quad (6.1.2)$$

ёки

$$\Delta \vec{R} = \vec{R}_1 - \vec{R}_2 = \vec{\rho}_2 - \vec{\rho}_1$$

Бу ерда  $\Delta \vec{R}$ -икки ер пунктини боғловчи ватар вектори.

Бутун Ер юғаси ёки унинг катта кисмига ёйилган хорда векторларининг турини тасавур килиш кийин эмас. Бунда Ер сунъий йўлдошини ўрганишнинг геометрик методи амалда қўлланилмоқда. Бу метод нисбайтири, чунки бунда ер пунктларининг факат ўзаро ҳолати аниқланади. У ҳолда координата тизимининг бирор ер пунктининг  $\vec{R}$  радиус-векторини бошлангич нукта сифатида белгилаб, ихтиёрий координата тизими олинади. Бундан кўриниб турибди-ки, шу координата тизимидағи хоҳлаган бошқа пункт ҳолати шу ифода ватар векторлари орқали олинади.

$$\vec{R}_t = \vec{R}_0 - \sum \Delta \vec{R}_i \quad (6.1.3)$$

Агар бош пункт маълум референц-эллипсоидга таалукли бўлса, унда ватар векторларининг ҳамма тизими унга (референц-эллипсоидга) боғлиқ бўлади. Космик обьектларнинг синхрон кузатувидан кўрилган геодезик тўрлар адабиётда космик триангуляция номини олган. Агар кузатиш обьекти факат Сўй бўлса, унда йўлдош триангуляцияси атамаси қўлланилади.

Агар Ернинг сунъий йўлдоши кузатуви синхрон бўлмаса ёки факат битта ер юзиси пунктидан олиб борилса, хоҳлаганча ўзгаради. Бунда (6.1.1) тенглимати қўллаш учун геоцентрик радиус векторини

билиш керак, у күргина ЕСЙ ҳаракат назариясидан аниқланади. Бирор моментда ўлчамнан топографик вектор учун ушбу тузатиш тенгламасини көлтириш мүмкін.

$$d\vec{r} = d\vec{R} - [(\vec{r}_0 - \vec{R}_0) - \rho] \hat{\theta} \quad (6.1.4)$$

Бу тенгламада  $d\vec{R}$  (тузатма векторининг ер пункти радиус-векторига нисбатан) – ўзгармас бўлади.  $d\vec{r}$ -вектори – Ер сунъий йўлдошнинг орбитадаги ҳаракати натижасида ҳар гал янги бўлади. Демак (6.1.4) тенгламалар тизимидан  $d\vec{R}$  ва  $d\vec{r}$  векторларини биргалиқда аниқлаш масаласининг ечими йўқ. Шунинг учун керакли номаълум сифатида геоцентрик-векторининг координаталари эмас, балки орбита параметрлари қабул килинади. Ҳаракатлар назариясидан маълумки, агар орбита элементлари ва вакт моментлари  $t$  берилган бўлса, геоцентрик-векторни аниқлаш мүмкін. Орбита параметрларини умумийлаштириб куйидагича белгилаймин:

$$\vec{q}_1, \vec{q}_2, \vec{q}_3, \vec{q}_4, \vec{q}_5, \vec{q}_6,$$

унда  $\vec{r}$  радиус-вектор бирор функция деб тасавур қилиш мүмкін.

$$\vec{r} = \vec{r}(q_i), \quad i = 1, 2, \dots, 6 \quad (6.1.5)$$

ва


$$d\vec{r} = \sum_1^6 \frac{\partial \vec{r}}{\partial q_i} dq_i \quad (6.1.6)$$

(6.1.6) ифодани ҳисобга олиб (6.1.3) формула куйидагича йўлади:


$$\sum_1^6 \frac{\partial \vec{r}}{\partial q_i} dq_i - d\vec{R} + \vec{l} = \vec{\theta} \quad (6.1.7)$$

Охирги ифодага 9 та номаълум параметрлар киради: орбита элементига б ға тузатма ва ер пункти координатасига учта тузатма. Изланадиган параметрлар кийматини тенгламалар тизимини олиш учун тўқкиз марта ёки кўпроқ кузатиш кифоядек кўринади. Турли ер станцияларидан синхрон кузатилган сферик координаталарни ЕСЙ йўналишидан элементлари олинган фазовий геодезик тўрга йўлдош триангулацияси дейилади. Масштабни ва йўлдош триангулацияси аниқлигини ошириш учун унинг турли қисмларинда чизиқли ўлчашлар бажарилиши лозим (масофа, масофалар фарки ёки радиал тезликлар).

Йүлдош триангуляциясида  $AB$  бошлангич пунктлардан учта (28-расм) пунктта синхронлаш билан, бошка ЕСЙ координаталари түгри фазовий кестирмалари ечимидан аникланади. Кейинчалик ЕСЙнинг  $s_1$  ва  $s_2$  ҳолатлари бошлангич пункт сифатида олинниб, уларнинг ёрдамида  $p$  пунктининг ҳолати тескари кесиштириши билан олинади. Шунинг учун келтирилган усул кесиштириш усули дейилади.



28-расм. Кесиштириш методи




29-расм. Ватар усули


Синхрон гурӯхлар фактат иккита йўналишдан иборат бўлган йўлдош триангуляциясини кўриш варианти, ташкил этиш масаласида оддийдир. Бу ерда куйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

1. Ўзи битта бошлангич битта аникланувчидан иборат ҳар бир пункт жуфтлиги учун ЕСЙнинг икки ҳолати кузатилади (29-расм). Номаътум ҳолатли нуқтани аникловчи энг кам бошлангич пунктлар сони иккига teng.

2. Ҳар бир пункт жуфтлиги учун Ернинг сунъий йўлдоши фактат битта ҳолати аникланади. Бошлангич пунктлар энг кичик сони учга teng.



30-расм. Ясси текислик усули




31-расм. Йўлдош триангуляцияси билан ўлчандиган карталиклар

Ватар усулида А ва Р йўналишлар синхрон ўлчаниб, фазодаги Q текислика фиксировка килинади, бу текислик синхронлаш текислиги дейилади.  $S_2$  йўлдошида ўлчанган йўналиш фазода  $Q_2$  текислигини

беради. Бу икки текислик кесишган чизик АР(ватар) Ер юзизда ётади ва бошлангич А пунктини аникланувчи Р пункти билан бөглайди. ЕСЙ ни В ва Р пунктларидан олинган кузатувидан иккинчи холда ВР олинади. Р пункти ҳолати АР ва ВР ватарлари кестиришидан аникланиши мүмкін. Шунинг учун йўлдош триангуляциясини кўришнинг бундай усули ватар усули дейилади. 30-расмдаги йўлдош триангуляциясининг шаклидан бошлангич ва охирги аникланувчи пунктлардан ЕСЙ факат битта ҳолати кузатилади. Бу кузатувлардан ясси текислик тенгламасини тузиш мүмкін. Аникланаётган пункт билан бошқа икки пунктлар кузатуви синхрондир (бир-бирига мосдир) ва у яна ясси текислик тенгламасини тузиш имконини беради. Пунктнинг фазодаги ҳолати учта текислик кесишган нукта сифатида аникланади. Бу усул текисликлар усули деб ном олган.

Йўлдош триангуляциясини кўриш учун ўлчанган катталиклар сифатида ЕСЙларининг ер юзаси пунктлери кузатуви натижалари ва уларнинг баъзи бир функциялари олинади.



32-расм. Радиал тезлик

Бевосита ўлчанадиган катталиклар:

$\delta_{hs}$ - Ер сунъий йўлдошининг топографик оғиши

$\alpha_{hs}$ - Ер сунъий йўлдошининг юлдуз ёки умум ер тизимидағи тўтри чикиши  $\gamma_{hs} = \alpha_{hs}$

S-Гринвич юлдуз вакти

k -ердаги пункт

$\rho_{hs}$ -топоцентрик масофа

$s_1$  ва  $s_2$  Ер сунъий йўлдошининг икки ҳолатидан к пункктгача бўлган масофа ёки  $s$  йўлдошдан ва к ердаги пунктгача бўлган масофа фарки.

Ер сунъий йўлдошининг радиал тезлиги ташкил этувчиси, яъни тезлик вектори модулининг кўйи йўлдошга проекцияси (32-расм).

Но-Ер сунъий йўлдошнинг денгиз юзидан баландлиги, бу катталик аник бир пункт билан боғланмайди, аммо орбитани аниқлашга ёрдам беради.

Ўлчанган бурчак катталиклари  $\eta$  ва  $\delta$  ни пункт координаталари ва Ер сунъий йўлдоши билан боғликлигини 31-расмдан осонгина аниқлаш мумкин.

$$\gamma_{ks} = \arctg \frac{y_s - Y_k}{x_s - X_k} \quad (6.1.8)$$

$$\delta_{ks} = \arctg \frac{z_s - Z_k}{\sqrt{(x_s - X_k)^2 + (y_s - Y_k)^2}} \quad (6.1.9)$$

$\Delta$  ва  $\rho$  чизикли ўлчовлар учун куйидаги ифодамиз бор.

$$\rho_{ks} = \sqrt{(x_s - X_k)^2 + (y_s - Y_k)^2 + (z_s - Z_k)^2} \quad (6.1.10)$$

$$\Delta\rho_{ks} = \rho_{ks1} - \rho_{ks2} \quad (6.1.11)$$

Радиал тезликкниң  $k$  координата пунктлари ва  $s$  йўлдош тезлиги ташкил этувчиси ва координаталари билан боғликлиги тенгламасини келтириб чиқариш учун 32-расмга мурожаат киласиз, ундан кўриниб турибди-ки, модулниаг радиал гашкил этувчиси ва тўла тезлик куйидагича боғланган  $i, j, k$ -лар умум ер тизими ўки ўргалигини хисобга олиб, куйидагига эга бўламиш

$$\begin{aligned} |\dot{\rho}| &= v \cos \beta \\ \rho &= (x_s - X_k) \hat{i} + (y_s - Y_k) \hat{j} + (z_s - Z_k) \hat{z} \\ \vec{\vartheta} &= |\hat{x}| \hat{i} + |\hat{y}| \hat{j} + |\hat{z}| \hat{k} \end{aligned} \quad (6.1.12)$$

$\hat{i}, \hat{j}, \hat{k}$ - ортлар

$$|\dot{\rho}| = \frac{1}{\rho} [(x_s - X_k)|\hat{x}| + (y_s - Y_k)|\hat{y}| + (z_s - Z_k)|\hat{z}|] \quad (6.1.13)$$

Йўлдош геодезик турининг ўлчовлари  $\gamma$  ва  $\delta$  шундай хусусиятта эга-ки, улар битта координата тизимида бир-бирига боғлик бўлмагани ҳолда олинади. Шунинг учун худди шу ўлчовлар оркали турининг ориентировкаси ўрганилади. Йўлдош геодезик турни масштаби чизикли берилади ( $\rho$ -лазерли,  $\rho, \Delta\rho, |\dot{\rho}|$  - радиотехник ўлчовларда).

## 6.2. Йўлдош геодезик тўрларининг тенгламалари

Геометрик методда ўлчанган катталиклар сифатида топоцентрик радиус вектор  $\rho$ , синхронизация текисликларининг ватар векторлари  $\vec{\Delta R}$  ва уларнинг алоҳида компоненталаридан фойдаланилади.  $\rho$  ва унинг компоненталари  $\gamma$ ,  $\delta$  ва  $|\vec{\rho}|$  ларни, шунингдек, масофалар фарки ва радиал тезликларни хисоблашда бу бевосита ўлчанган катталиклар билан иш кўрамиз, шунинг учун тенглама кичик квадратлар методи билан ечилади. Ўлчанган катталиклар сифатида ватар компоненталари ( $A, \Phi, D$ ) ва синхронизация текислиги векторлари нормаллари ( $A, B, C$ ) фойдаланилганда тенглама кичик квадратларнинг умумлаштирилган принципини ифодаловчи  $\vec{V}^t \vec{Q}^{-1} \vec{V}$  шарти бўйича олинини керак. Геодезик турларни коррелят йўл билан тенглашгиришда (текисликда) шартли тенгламалар тизими, параметрик тенглаштиришда эса тузатмалар тенгламаси тизими асосий хисобланади.

Йўлдош триангуляцияси йўналиши битта координата тизимида (юлдуз ёки умум ер) бир-бирига боғлиқ бўлмаган равишда аниқланади. Шунинг учун бувдай турда йигиндилаш шартли, фарки ёки дирекцион бурчак каби шартлар пайдо бўлмайди. Бошқача килиб айтганда, йўлдош геодезиясида оддий геодезияда бурчак шартлари деб аталадиган шартлар бўлмайди. Йўлдош геодезиясида базис, кутуб ва координата шартлари тўла сакланади, факат боғловчи бурчаклар фазодаги тўғричиликлар орасидаги бурчаклар билан алмаштирилганилиги, улар ўз навбатида сферик координата функциялари бўлганилиги учун бу тенглама коэффициентларини хисоблаш мураккаблашади. Бундан ташқари, фазовий геодезик турларда ўзига хос геометрик шартлар пайдо бўлади-ки, яси турларда бунга ўхшаш нарса йўк.

Учта вектор компланарлиги шартини (текислик шарти) кўриб чиқамиз. Фазодаги текисликни учта нукта оркали ўтказиш мумкин, яна бирор тўғри чизикка параллел бўлган иккита нукта ва ниҳоят берилган икки тўғри чизикка параллел битта нукта оркали ўтказиш мумкин. Уларга битта элемент (нукта ёки тўғричилик) кўшилиши битта шартли тенглама пайдо бўлишига олиб келади. 1, 2, 3 нукталарни бирлаштирувчи топоцентрик вектор компланарли шарти куйидагича ёзилади:

$$\Delta \vec{R}_{12} \Delta \vec{R}_{13} \Delta \vec{R}_{23} = 0 \quad (6.2.1)$$

ёки

$$[(\vec{R}_1^0 + d\vec{R}_1) - (\vec{R}_2^0 + d\vec{R}_2)] \cdot [(\vec{R}_1^0 + d\vec{R}_1) - (\vec{R}_3^0 + d\vec{R}_3)] \cdot [(\vec{R}_2^0 + d\vec{R}_2) - (\vec{R}_3^0 + d\vec{R}_3)] = 0, \quad (6.2.2)$$

$\vec{R}_i^0$ -радиус векторнинг дастлабки киймати,  $d\vec{R}_i$ -тenglamадан аникланган тузатма. Агар  $\Delta\vec{R}_{ij}$  вектор охири ва боши ( $d\vec{R}_i = 0$ ) фазода маҳкамланган бўлса, нормировқадан сўнг (6.2.2) куйидаги ифодани оламиз:

$$\vec{F} = \vec{a}_{12}\vec{a}_{13}\vec{a}_{23} \quad (6.2.3)$$

Бу ерда

$$\vec{a}_{ij} = \frac{\vec{R}_i^0 - \vec{R}_j^0}{|\vec{R}_i^0 - \vec{R}_j^0|}$$

(6.2.3) tenglama учта эркин векторнинг компланарлик шарти деб аталса максадга мувоғик бўлади. У координата кўринишидан куйидагича бўлади

$$\vec{F} = \begin{bmatrix} l_{12} & m_{12} & n_{12} \\ l_{13} & m_{13} & n_{13} \\ l_{23} & m_{23} & n_{23} \end{bmatrix} = 0 \quad (6.2.4)$$

$l, m, n - \Delta\vec{R}$ - векторнинг йўналтирувчи косинуслари. Биринчи қатор элементлари бўйича аниқловчими тақсимласак ва

$$\begin{aligned} A &= m_1n_2 - m_2n_1, \\ B &= n_1l_2 - n_2l_1, \\ C &= l_1m_2 - l_2m_1, \end{aligned}$$

ни ҳисобга олиб, куйидагини оламиз.

$$F = l_{12}A + m_{12}B + n_{12}C = 0, \quad (6.2.5)$$

A,B,C- текислик тенгламаси коэффициенти бўлиб,  $\Delta\vec{R}_{13}$  ва  $\Delta\vec{R}_{23}$  га параллел. R вектори ердаги пунктларни бирлаштиргандан (6.2.5) D,D<sub>1</sub>,D<sub>2</sub> ватарларининг компланарлик шартини ифодалайди (31 расм).

$$F = LA + MB + NC = 0, \quad (6.2.6)$$

L,M,N-D ватарнинг йўналтирувчи косинуслари А,В,С-

$$\begin{aligned} A &= \tan \Phi_2 \sin \Lambda_1 - \tan \Phi_1 \sin \Lambda_2 \\ B &= \tan \Phi_1 \sin \Lambda_2 - \tan \Phi_2 \sin \Lambda_1 \\ C &= \sin (\Lambda_2 - \Lambda_1) \end{aligned} \quad (6.2.7)$$

формула билан ҳисобланадиган D<sub>1</sub> ва D<sub>2</sub> ватарлар пайдо қилган текислик тенгламаси коэффициенти. Агар битта  $\Delta R$  вектори срдаги пунктларни бирлаштираса, иккита бошкаси ер пунктларини йўлдош билан бирлаштираса, у ҳолда тенглама (6.2.6) даги кўринишни олади, факат А,В,С коэффициенлари юкоридаги формуладагидек бўлади. Йўлдош триангуляциясини тенглаштириш учун шартли тенгламаларни ўлчайган кийматга нисбатан (ёки ўлчанган сифатида танлаб олинган) чизиқли кўринишга келтириш лозим. Учта ватарнинг компланарлик тузатмаси шартли тенгламаси учун охирида кўйидагига эга бўламиш:

$$\sum a_i v_{ai} + \sum b_i v_{bi} + W = 0. \quad (6.2.8)$$

### 6.3. Йўлдош геодезик тўрларини қуриш методларининг таққосланиш търифлари

Геодезик тўрлар орбитал ёки геометрик методда курилишидан катъий назар, уларнинг мақсади ердаги пунктлар координаталарини олишдир. Шунинг учун тўрни куришнинг ҳар кандай методида ҳам асосий номаъумлар шу тўр пункти ҳолатларининг векторлари бўлади. Асосий номаъумларни аниқлашга ёрдам берадиган оралиқ маълумотлар кўйидагилар: орбитал методда ЕСЙ ҳаракатининг бошлангич шартли векторлари  $q_0$  ( $t_0$  – вакт ҳолатида), геометрик методда эса  $x$  - ЕСЙнинг алоҳида ҳолат вектори. Ҳар иккала методда ҳам бевосита ўлчаш усулларидан фойдаланилади, шунинг учун кичик квадратлар методи нуктаи назаридан бу икки методда олинган тўрлар ҳисоб-китобида принципиал фарқ йўқ. Фарқ шундай-ки, қайси оралиқ номаъум: бошлангич шарт вектори  $q$  ва ЕСЙ ҳолати координатаси тузатмаси вектори  $x$  ни орбитал ва геометрик методда мақсадга мувоффик равиша чиқариб юборишга боялик. Пунктлар координатаси олинадиган координата тизимлари ҳам турличадир. Натижада орбитал метод билан тўр қурилганда, у Ер массаси марказига кўйилган координата тизимида бўлади, тизим аниликат ўки Ернинг айланниш ўки билан мос тушади. Демак факт шу методгина

геодезиянинг асосий масалаларидан бирини тўлиқ сча олади, геометрик метод билан курилган тўр эса референси-эллипсонд бошлангич пунктлари тизимида колади.

Орбитал ва геометрик методларни солиштирганла, орбитал метод билан олинган натижалар ЕСЙ ҳаракат дифференциал тенгламасининг ўнг томонини ҳисоблашда бошлангич кийматлар сифатида олинган геофизик параметрлар хатосига боғлиқлар. У ЕСЙ ҳаракат қонунини тасвирловчи параметрлар аниклиги кандай бўлишига боғлик бўлмаган пунктлар ўзаро холатининг йўлдош триангуляцияси энциклопедиядан кичик экан. Шунинг учун бошлангич пунктлар билан аникландиган берилган координата тизимини саклаш керак бўлганда тўр куришнинг геометрик методи ёки киска ёй методи кўлланилади. Орбитал методни кўллаш учун ЕСЙ кузатилаётган ҳолатини ҳисоблашда вакът моментини аник билиш, бошлангич нутқдан шу моментгача ҳаракат тенгламасини интеграллаш шартидир. Орбитал метод учун ЕСЙнинг синхрон бўлган ва синхрон бўлмаган кузатувлари (ўлчаш ёйига тушадиган) яроюни эканлиги кўриниб турибди.

Шунинг учун орбитал метод кўп ўлчашларни талаб килади. Шу билан бирга геометрик методда орбитал метод учун яроксиз бўлган кузатув натижаларидан фойдаланиш мумкин. Биринчи навбатда бу енгил йўлдош-баллонларнинг синхрон кузатувига боғлиқлиги. Бундан ташкари геометрик методдан, жуда кам кузатув материаллари сабабли ўлчам ёйига кўриш имконини бермайдиган оғир ЕСЙларининг алоҳида гурухи учун ҳам фойдаланиш мумкин. Йўлдош геодезик тўрини куришда геометрик ҳамда орбитал методлардан, уларнинг комбинацияларидан фойдаланилади.

#### 6.4. Йўлдош триангуляциясини лойиҳалаш асослари

Геодезик тўрларни лойиҳалаш - хоҳлаган тўр учун тўғри бўлган умумий талаблари риоя килинган ҳолда Ер юзасидаги пунктларнинг ўрнини аниклашдан иборатdir. Булардан асосийлари: тўр пунктлари зичлиги мўлжалланган максадга мувофиқ ва унинг кейинги ишлатилишига мос келишилиги; пунктларнинг ўзаро жойлашиши (тўр шакли) тўр элементларини белгиланган даражада аниқлашини таъминлаши керак. Тўр куришда энг кам меҳнат ва моддий ҳаражат сарфланиши лозим.

ЕСЙни кузитиши ёрдамида курилган геодезик тўрлар-йўлдош триангуляцияси тўрлари ўзига хосдир. Биринчидан, йўлдош

триангуляциясининг яхлит тўрларининг ердаги пунктлари ва ЕСЙни орбитадаги белгиланган ҳолатлари киради, яъни бир неча ер пунктларидан кузатилган фазодаги нукталар синхрондир. Ердаги пунктларга тегишили ўлчанаётган катталиклар сони у ёки бу ЕСЙнинг шу ҳолатига тегишили гурӯҳ ташкил килган ўлчанаётган катталиклар сонидан фарқ қиласди. Кейинги катталиклар сони йўлдошнинг берилган ҳолати кузатиладиган ер пунктлари сони билан чегараланганди. Бирор ердаги пунктда йигилган ўлчашлар сони эса чегарасиз.

Йўлдош триангуляциясини лойиҳалаш факат жой танлашдан иборат эмас. Ердаги пунктлар жойланиши ва ЕСЙ ҳолатларининг бир-бирига мувофиқлиги ҳам мухимдир. Бу шуни кўрсатади-ки, йўлдош триангуляциясини лойиҳалаш ЕСЙ орбитаси параметрларини ҳам танлашини ўз ичига олади. Йўлдош триангуляциясининг бошқа хоссаси - ер пунктлари билан бевосита алоқанинг йўклигидир. Улар орасидаги алоқа йўлдош ҳолати орқали амалга оширилади. Йўлдош триангуляцияси шакли аниқлик характеристикалари бўйича яхши бўлса-да, ЕСЙ кўринини шартлари бузилгани учун амалда кўллаш мумкин бўлмай қолади.

Барча пунктларда кузатишда куйидаги шартларни бажариш лозим:

-Йўлдошнинг бурчак баландлиги горизонтдан белгиланган чегарадан кам бўлмаслиги керак;

-кузатув пунктлари ва ЕСЙ орасида тўғри (геометрик) кўринини бўлиши керак;

-Қуёш, Ер, йўлдош ва ердаги нукталарнинг ўзаро жойлашуви йўлдошни юлдузлар фонида кузатиш имконини берши керак.

Шундай қилиб, йўлдош триангуляциясини лойиҳалаш, кузатишнинг энг яхши шартлари билан реал шартларни солиштириш натижаларини кам ҳисобга олади. Йўлдош триангуляциясини лойиҳалашнинг илмий асоси ушбу тўрда ўрганилган хатоликлар характеристикининг танлашиб олиш билан багчилашади. Аниқ лойиҳалаш бир мунча чегараланганди шароитда тўр куришнинг энг яхши вариантини танлаб олиш билан багчилашади. Улар куйидагилардир: физик-географик шароитлар, тўрининг берилган баъзи катталиклари, чиқарилган ЕСЙларидан фойдаланиш зарурини. Лойиҳалаш натижасида; ердаги станциялар кўрсатилган, ЕСЙ орбитаси параметрлари берилган, тўр элементлари априорлари ҳисобланган ва ЕСЙ кузатуви бажариладиган йўлдошности нукталари кўрсатилган сонли ёки график кўринишдаги натижалар олинади.

Йўлдош триангуляциясини лойихалашни икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчи турҳ аниқликни кўрсатади:

- $m$ ,  $m$ ,  $m$ ,  $m$  - бевосита ўлчашлар хатолиги;

-йўлдош тўри элементлари хатоликлари, масалан,  $m$  -- хорд йўналиши хатолини,

-М-Ер пунктлари хатолиги,

Иккинчи турҳ лойихалашнинг геометрик хусусиятларидан иборат:

-пунктлар орасидаги ўртача масофа ва пунктларнинг зичлиги;

-ЕСЙ баландлиги;

-ЕСЙ кузатининг максимал зенит масофаси;

-ЕСЙнинг пунктлардан зоналарнинг синхрон кўриниши катталиклари ва шакли;

-ватарларни аниқлаш учун синхронлаш текисликларнинг жойлашиши ва сони;

-ЕСЙга йўналиш, ватар ва текисликлар орасидаги бурчак;

-охирги пунктлар ва базисларнинг жойлашиши.

Лойиха ишларининг мазмуни лойиха бошланишида қандай характеристикалар маълумлигига боғлик. Одатда иккита масала кўйилади. Баъзи бир тузилган лойиха бўйича тўрдаги пунктлар ҳолати аниқлигининг априор ҳисоби. Берилган пунктлар ҳолати аниқлигининг лойиха учун оптималь характеристикаларини танлаш.

#### **6-боб бўйича назорат саволлари.**

1. ЕСЙ йўналишларидан қайси бири геодезик ишларда кўлланади?
2. ЕСЙ ёрдамида яратилган геодезик тармокни чизиб беринг.
3. Космик геодезиянинг асосий тенгламасини келтиринг.
4. Космик ва йўлдош триангуляциялари орасида қандай фарқ бор?
5. Кесишириш усулини қандай тушунасиз?
6. Ясси ва хорда усуллари нима?
7. Учта векторни компланар шартлигига изоҳ беринг.

## VII БОБ. ГЕОДЕЗИЯДА ГЕОДИНАМИК МАСАЛАЛАР

### 7.1. Геодинамика

Геодинамика «Ер планетаси» тизимидан бўладиган динамик жараёнлар ва бу жарабандаги куч майдонлари ҳақидаги фандир.

Геодинамиканинг асосий назарий вазифаси шу майдонларни билган ҳолда, жисм, литосфера ва Ер атмосферасидаги куч таъсирида бўладиган жараён характерини аниклашдир. Геодинамика Ер динамикасини ўрганиш билан қисман куч майдонлари характерини ва уларнинг вакт мобойинида ўзгаришини аниклайди.

Ер динамикасини ўрганишда қуйидаги ер шакли тўғрисидаги - физик, гравитацион ва динамик маълумотлар, ички тузилиши, литосфера, гидросфера ва атмосфера, қуёш-ер ва ой-ер боғликларни, гравитацион, геомагнит, геометрик ва бошқа геофизик куч майдонлари, Ернинг йиллик ва суткалик айланышига тегишли маълумотлар керак бўлади.

Геодинамика мустакил фан сифатида астрометрия, геодезия, геология, геофизика, океанология ва Ер ҳақидаги бошқа фанлар билан биргаликда ривожланади. Ҳозирги вактга келиб, шу нарса маълум бўлди-ки, Ернинг қаттиқ, сувли ва ҳаво қобиллари ва Космос-Ер вакт давомида ўзгарувчи ягона Ер-Космос динамик тизими сифатида каралиши лозим. Ернинг энг барқарор қобиги-каттиқ қобиги ҳам вакт ўтиши билан ўзининг шаклини, айниқса Дунё океани қаърида ўзgartирар экан.

ЕСЙлар ва бошқа космик обьектлардан фойдаланиш, астрогеодезик ва гравиметрик материаллар Ер шакли ва унинг ташки гравитация майдони муаммоларини ечимини сезиларли равишда олдинга сурди. Охирги 20 йилда Ер шакли ва унинг ташки гравитация майдони потенциалининг асосий параметрлари жуда аниқ ва коникарли аникланди. Энди факат уларнинг вакт давомида ўзгаришини баҳолаб, Ернинг ҳамма фундаментал ўзгармас кийматларини ўйғуларини мустаҳкамлаш ҳақида сўз боради. 1979 йил декабрда Канберила ўтган Халқаро геодезия ва геофизика XII Бони ассамблеяси таклифи қуйидагича бўлди: икки ўкли эллипсонд катталиги  $a=6378137\text{m}$ ,  $\alpha=1:298.257$ , ёргулукнинг ваакумдаги тезлиги  $c=299792458+1.2 \text{ m/s}$ ; Ер айланышининг бурчак тезлиги  $\omega=0.7292115 \cdot 10^{-4} \text{ rad/s}$ . Геоцентрик гравитацион ўзгармасни  $\mathbf{M}$  ( $\text{km}^3, \text{s}^{-2}$ ) атмосферани ҳисобга олган ҳолда аникланган охирги кийматлари қуйида келтирилган.

Космик аппаратлар ёрдамида:

Маринер 9	398 600.55±0.2
Маринер 10	398 600.45±0.2
Викинг 1	398 600.50±0.1
Викинг 2	398 600.65±0.2
Вояджер 1	398 600.57±0.2
Вояджер 2	398 600.52±0.1
Ойни лазер локация ёрдамида	398 600.49±0.1
Ойни лазер локация ёрдамида	398 600.46±0.03
Ойни лазер локация ёрдамида	398 600.51±0.03
Ойни лазер локация ёрдамида	398 600.46±0.03
Йўлдош-Йўлдош кузатув ёрдамида	398 600.35±0.15
Тенглатирилган натижка	398 600.48±0.03

Космик аппаратлар кузатувидан XII Баш Ассамблеяси (МСГТ) таклиф килади:  $fM=398600.50 \text{ km}^3/\text{s}^2$  атмосфера учун  $fM=0.35 \pm 0.03 \text{ km}^3/\text{s}^2$ , Ер массасининг атмосферага нисбати  $fM/fM=0.878072 \times 10^{-6}$ . 1970 йил М.Бурша уч ўкли эллипсоид параметрини киргизди:

Ўрта экваториал радиуси $a_e$	6 378139м.
Ўрта поляр сикиклигиги $a_p$	1: 298.257
Максимал поляр сикиклигиги $a_p^{\max}$	1:297.787
Экваториал сикиклик	1: 90 000
Энг катта меридиан узоклиги	14.8° г.у.


Ернинг замонавий гравитация моделилари Ер шаклиниң динамик параметрларини ишонарлай бахолайди.

$$\begin{aligned} A_0 &= 8.01602055298 \cdot 10^{44} \text{ г} \cdot \text{см}^2; \\ B_0 &= 8.01619595712 \cdot 10^{44} \text{ г} \cdot \text{см}^2; \\ C_0 &= 8.04242790440 \cdot 10^{44} \text{ г} \cdot \text{см}^2; \\ a_p &= 0.0016376320; \\ a_e &= 0.0000109407; \\ \lambda_0 &= 14.9^\circ \text{ з.д.} \end{aligned}$$

Ташки гравитация майдони моделининг аниклиги за ишонарлиги охирги йилларда кўшлаб йўлдош кузатувинари хисобига ва биринчни навбатда йўлдош нивизирилган хисобига ошиди.

## 7.2. Ер динамикаси

Хозирги замон фани Ер литосферасини Ер қобиги ва негизи(субстрат) билан биргаликда олти йирик плитага ажратади: Евросиё, Америка, Африка, Тинч океани, Хинд океани, Антарктика. Атмосферанинг ўзаро силжиши уларнинг чегараларида Ер силкинишини ҳосил қиласди. Ер силкинишларидағи ҳаракат йўлини кузатиб, ҳар бир йирик плита ичидаги катор микроплиталарни ажратиш мумкин. Океандаги плиталар чегарасига ўргалик океан тоз тизмаларининг рифт зоналари тўғри келади. Континентларда континентал рифтлар тизими тўғри келади, масалан, шаркий Африкада 33-расмда кўрсатилган: 1-Евросиё; 2-Шимолий Америка; 3-Африка, 4-Тинч океани, 5-Хинд океани, 6-Антарктика, 7-Жанубий Америка плиталари ўзаро жойлашиши кўрсатилган.



33-расм.Литосфера плиталаринини чегаралари

Литосфера плиталарининг планетар ҳаракати уларнинг потенциал энергиялари ва ўрта океан тизмалари тагида ҳамда континентларининг фаол четларидаги аномал мантия борлиги ҳисобига бўлади. Янги материал оқимлари пайдо бўлиши литосферадаги кучланишини ва литосфера плиталарининг горизонтал силжишини ўйналишини ўзгартиради.

Плиталар дрейфи уларни кизиган мантия аномалияси билан ўзаро таъсири ва ер массасини минимал потенциал энергия катталаигида ўз мувозонатини саклашга ҳаракат килиши билан изохланади. Қобик ва аномал мантия кўтарилиган жойда бирор томонга ҳаракат қиласди, яъни потенциал энергияни камайтиришга ҳаракат қиласди. Ер каъридан даврий равишда аномал мантия ўрга океан тизимлариги келиб турса улар ҳамма вакт қенгайини мумкин.

Аномал мантия күтарилиган рифт вохасидан литосфера плиталари симметрик равишида узоклашади. Бунда атмосфера ёниш коклиги нихоятда кичик бўлиб, литосфера плиталарининг силжишига каршилик кила олмайди. Плиталарнинг ўзаро ҳаракатига ишонарли баҳони плита чегараларидағи ёрилиш зоналаридаги қайта геодезик ўлчашлар беради. Америка плитасининг Тинч океани плитасига нисбатан силжиши 4 см/йил. Бу натижа катор ёрилиш тизимларини (Энг каттаси Сан-Андерс) геодезик ўлчашлар орқали аникланган. Тожикистондаги Гарм полигонида Помирнинг Тянь-Шанга нисбатан сизиши ўлчанган бўлиб, у 1.7 см/йил га тенг. Алси-Химолай тоф мингакасида сикилиш гарбдан шарқка томон ошади. Гибралтарда 1.5 дан 2 см/йил, Химолайда 5.6-6.0 см/йил. Ассиметрик маълумотларга кўра Шимолий Американи Евросиё билан якинлашуви 1 см/йил.

Турли полигонларда қайта нивилирлаш ва сатҳ кузатувлари ер кобигининг вертикал ҳаракатини ишонарли баҳолайди. Бундай ишлар МДҲда Тошкент, Бишкек, Душанба, Ашхабод ва Олма-ота сейсмик зоналарида олиб борилади. Энг кўп силжиш 10 см/йил Олма-ота районида хисобга олинган. Қайта нивилирлаш билан Олма-ота геодинамик полигонида 2-5 см/йил кўтирилиш аникланган. Марказий Тургай платасида кўтарилиш ҳаракати 1.2-1.6 см/йил. Қызилқумнинг марказий кисмida вертикал ҳаракат 1.6-2.0 см/йил бўлган жойлар аниҳланган.

Замонавий тадқикотлар шуни кўрсатади-ки, техник жараёнларни ер кобигининг ўзига хос ҳаракатини келтириб чиқаради. Ер юзси артезиан ва окава сувлари олиниши натижасида чўкади. Охиригина Токио-4 см, Мехико эса 90 йил давомида 8.5 см чўкди. Жаҳон ишлаб чиқаришининг ривожи Ер юзида глобал ўзгаришларни келтириб чиқарди. Яқин 10 йилларда техноген ўзгаришлар, Ер остидан фойдаланиш лойиҳалари, континент ва регионларда сув тақсимоти, дengiz шельфлари ва Дунё океанидан фойдаланиш хисобига анчагина бўлди. Бу техноген ўзгаришлар Ер кобигининг табиий ҳаракатини ўналиши ва тезкорлигини (интенсивигини) ўзгартиради.

Ер динамикаси ер кутбларининг ҳаракати ва айланишининг текис эмаслигига намоён бўлади. Фазодаги Ер ўки айланишининг ўзгариши жуда катта. Бу ўзгариши асрий прецессия ташкил этувчиши бўлиб, уни эрамиздан аввалиги 2 асрда Гиппарх очган. ЕСЙ ва бошқа космик обьектлардан кузатув, кутблар ҳаракатини ўрганишда янада имкониятлар яратилди. ЕСЙ ҳамма ҳаракат тенгламаларида кутб матрицаси иштирок этади. Координаталарининг

тизимли таркибини ЕСИнинг лазер, доплер ва фотографик кузатувларида кўриш мумкин. Кенг ва тезкор маънумотларни доплер кузатувларни беради.

Обсерваторияларнинг маълум вактига геоцентрик координаталарини билган ҳолда ва Ойнинг лазер кузатувлари, космик аппарат ва радиоинтерферометр кузатувлари йигиндисидан Ер айланиш ўқининг хоҳлаган эпохадаги ҳолатини аниқлаш мумкин. Шимолий ва Жанубий ярим шарларда обсерваторияларни маълум тартибда жойлаштириб, ҳалқаро дастур бўйича кузатувлар олиб бориб, кутблар масаласини муваффакиятли очиш мумкин. Кутблар харакатини ўрганишда ЕСИ ва бошқа космик аппаратларнинг сезиларли ҳиссаси бор. Ҳалқаро кутб харакатлари станциялари, ЕСИ ва бошқа космик аппаратлардан кузатув Ер кутби масаласини шуқадар тўлиқ очади-ки, бу фундаментал астрометрия, геодезия, геофизика ва қатор сайёра жараёнларини энг юкори талабларини ҳам тўлиқ кондириди.

Ер сутка давомийлигини ўзгартириб, нотекис айланади. Сутка ўзгариши давоми йиллига ниҳоятда кичик бўлса-ла, бу нарса жуда катта илмий ва амалий аҳамиятта эга. Ер айланиши тезлигининг ўзгариши 3 турда бўлади: асрий секинлашув, Ой ва Куёшнинг тортиш ва итариш кучлари таъсирида юз беради. Ҳозирги пайтда сутка узунлиги охирги 2000 йил ичida 0.0023 сек.га ошган. Аммо охирги 250 йилдаги астрономик маълумотлар шуну кўрсатади-ки, асрий секинлашувлар 100 йил учун 0.0014 сек.ни ташкил этади, бу эса 0.0023 сек. Натижা билан мос тушмайди. Н.Н.Парийский ҳисобига кўра Ер ўки айланиши тезлиги 100 йилда 0.01 секга ошар экан.

$$\Delta T = a \sin(t + \mu_1) + b \sin(2t + \mu_2)$$

Ернинг йиллик ва ярим йиллик даврий айланниши тезлигининг тебраниши, Ер инерция моментининг даврий ўзгариши, атмосфера динамикаси ва ёғинларнинг таксимланиши билан изоҳланади. Замонавий натижаларга кўра Ер суткасининг йил давомида узунлиги 0.001 сек.га ўзгариди. Ернинг айланниши июнь-августда тезроқ бўлиб, марта секинрек бўлади. Одатда сутканинг даврий тебраниши йиллик ва ярим йиллик ташкил этувчилардан иборат бўлади. Параметрлари  $a, \mu, b, \mu$  узоқ кузатувлардан топилади. Амплитуда  $a=0.0005\text{c}$ .  $b=0.0003\text{c}$ .

Ер айланиши тезлигининг тасодифий ўзгариши нотекс вакт оралиғида деярли 11 йилда содир бўлиши мумкин. Бурчак

тезлигининг мутлоқ ўзгариши 1898 йилда  $3.9 \times 10^{-6}$  га, 1920 йилда -  $4.5 \times 10^{-8}$  га тенг бўлади. Ер айланишининг тасодифий тебраниши табиати ҳам ўрганилган. Ер айланиши тезлигини флюктуациясига унинг юз йиллик сув кўтарилиши амплитудаси бўйича факат механик нуктаи-назардан тушунтириши мумкин. Бунчалик катта ва тез тебранишларни мэнтия ва ядронинг ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган  $2 \times 10^{-7}$  га тенг умумий Ер харакати моментига тенг импульс моменти билан изохлаш мумкин.

Геодинамикада Ер шакли динамикасини геодезик методлар асосида ўрганиш масаласи биринчи ўринга кўйилада. Ер шаклининг ҳар бир эпоха учун динамик параметрлар Ер шаклининг асрлик ўзгаришини ўрганишга керакли маълумотларни бериши мумкин. Масалан, Ернинг кутбий сикилиши ва аср давомида ҳажмининг ўзгариши Ернинг асосий инерция моментини вакт давомида ўзгаришида намоён бўлади. Шу сабабли, инерция моментлари фарқининг абсолют қиймати Ернинг экваториал ва кутб ўқлариги нисбатан аста секун камаяди.

### VII-боб бўйича назорат саволлари.

1. Геодинамика фани ҳакида тушунча беринг.
2. Геодинамика алоҳида илмий йўналиши бўлиб қайси йўналишлар асосида пайдо бўлган?
3. Лигтосфера цлиталарининг чегараларини чизиб кўрсатинг?
4. Қайта нивелирлаш ва писбий кузатувлар қандай натижалар беради?
5. Ер айланишининг бурчак тезлиги  $\omega =$
6. Помирнинг Тянь-Шанга сизжиши нимага тенг?

## VIII БОШЛАНГИЧ ГЕОДЕЗИК САНАЛАР (ДАТУМлар)

